

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРА
АКАДЕМИЯСИ**



“Прокурорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш”

кафедраси

“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси

МАМАТАЛИЕВА ШАҲНОЗА ХУШМАМАТ ҚИЗИНИНГ

**СУДЛАРДА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ КЎРИЛИШИДА
ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

мавзусидаги

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

**Илмий раҳбар: М.Б.Дўстқориев
ТОШКЕНТ – 2021**

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3-10
1-БОБ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ ИШТИРОК ЭТИШ ТАРИХИ, АСОСЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ	
1.1. Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштироки институтининг пайдо бўлиш тарихи.....	11-18
1.2. Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари, зарурати ва шакллари.....	19-28
1.3. Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштироки ҳуқуқий ҳолати.....	29-35
2-БОБ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ВА ИЖРО БОСҚИЧИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИННИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	
2.1. Апелляция ва кассация инстанцияси судида иш юритиш жараёнида прокурор иштирокининг хусусиятлари.....	36-47
2.2. Фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларини ижро этиш босқичида прокурор иштирокининг айрим жиҳатлари.....	48-55
3-БОБ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
3.1. Хорижий давлатлар фуқаролик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг қиёсий-ҳуқуқий тахлили.....	56-76
3.2. Фуқаролик процессида прокурор ва судлар ўртасида электрон ахборот алмашинувини жорий этиш истиқболлари.....	77-84
3.3. Фуқаролик процессида прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари.....	85-91
ХУЛОСА.....	92-95
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 96-104	
ИЛОВАЛАР.....	105-121

“Биз фуқароларнинг конституциявий хуқуқларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун доим хизматдамиз, асосий мақсадимиз эса суд жараёни натижалари тўғрисидаги қарорларнинг адолатли чиқарилиши учун ҳар томонлама кўмаклашишдир”¹.

Кириш:

Диссертация мавзусининг долзарбилиги.

Ўзбекистон Республиксининг замонавий фуқаролик процессуал қонунчилиги турли институтлардан иборат бўлиб, улардан бири фуқаролик процессида прокурорнинг иштирок этиш институтидир. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш тенденцияси амалга оширилмоқда. Шахсларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хуқуқлари бузилишининг олдини олиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар мустақиллиги ва уларнинг жамиятимизда ролини янада ошириш бўйича жиддий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу жумладан, фуқаролик судларида прокурор иштироки институти ҳам ўзгаришлардан ҳоли эмас, албатта.

Бугунги кунга келиб фуқаролик ишларида прокурор иштироки олимлар томонидан турлича баҳоланиб келинмоқда, шунингдек олимлар ва амалиётчилар ўртасида жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Халқаро ривожланган давлатлар амалиётига назар соладиган бўлсак, ножиной соҳада прокурор иштироки судлар томонидан чиқарилган процессуал ҳужжатларнинг адолатли, қонуний чиқарилишига, шунингдек прокурор судларга беминнат кўмак берувчи орган сифатида баҳоланади.

¹ <https://tass.ru/info/7562963> . 18.02.2021

Қонунчилигимизга кўра прокурор асосан ҳимояга муҳтоҷ фуқароларнинг қонуний ҳуқук ва манфаатларини ифода этиш, қонунийлик ва адолатни таъминлаш мақсадида иштирок этадилар.

Прокурорнинг фуқаролик ишлари бўйича иштирокини ижобий баҳолаган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди прокурорнинг ушбу жараёнга аралashiшининг мақбуллиги тўғрисида баъзи меъзонларни баён этади ва бу меъzonлар ножиной соҳада ҳам прокурор иштироки мухим ва керакли эканлигини кўрсатади.

Барча соҳа муаммолардан ҳоли бўлмаганидек, фуқаролик судларида прокурор иштироки институтида ҳам бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг бартараф этилиши ҳам назарияда, ҳам амалиётда ушбу институтнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Ушбу масалада асосий муаммолардан бири сифатида прокурорнинг фуқаролик ишларига даъво аризалар киритиш масаласи ҳисобланади.

Бу жараёнга олимлар турлича баҳо беришади ва жуда кўп баҳс мунозарага сабаб бўлади. Бундан ташқари мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳам соҳа вакиллари ўртасида бир қанча баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш² нормаси қонунчилигимизда мустахкамлаб қўйилиши назарда тутилган эди ва “Суд қарорларини қайта кўриш институтини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-661-сонли қонунида “Прокурор, юқори турувчи прокурор прокурорнинг иштирокида кўрилган иш бўйича, шунингдек тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон; 21.01.2021 й., 06/21/6143/0052-сон

қарори устидан апелляция протести келтиришга ҳақли” – дея қонунчилигимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

Бу эса амалиётчилар ўртасида бир қанча баҳс ва мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда.

Хусусан, суд соҳасидаги амалиётчилар бу норма суд қарорларининг адолатлиигини таъминлайди деб фикр юритишса, прокуратура соҳасидаги амалиётчилар эса суд томонидан чиқарилган ҳужжатлар қонунийлик талабига мутаносиблигини камайтириши мумкин деган фикрдалар. Бу масала ҳар иккала тараф учун ҳам жиҳдий баҳс-мунозарарага сабаб бўлмоқда.

Демак, прокурорнинг фуқаролик ишларида иштирок этишининг роли ва аҳамияти фуқаролик процессуал хуқуқининг том маънода энг кўп муҳокама қилинадиган мавзуларидан биридир.

Танланган мавзунинг долзарблигини оширадиган навбатдаги ҳолат – юридик шахс, жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қонунчилигимизда прокурорнинг даъво аризаси киритиши масаласидги камчиликлар ҳисобланади, яъни бу борадаги ишларда прокурор фуқаролик ишларига даъво аризаси билан мурожаат қила олмайди. Мисол тариқасида қатор давлатларни келтиришимиз мумкинки, уларнинг қонунчилигига юридик шахс, жамият, давлат манфаатларида ҳам прокурор даъво аризаси киритиши мумкин. Жумладан, Белоруссия, Россия, Арманистон, Франция, Хитой каби давлатлар шулар жумласидандир.

Бироқ, бугунги кунга келиб, прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг ўзига хос хусусиятлари илмий мунозаранинг долзарб мавзуси бўлиб қолмоқда, чунки амалиёт фуқаролик процессида прокурорнинг қандай мақомда бўлиши кераклиги хусусида ноаниқликларга дуч келмоқда.

Шу муносабат билан тақдим этилган магистрлик диссертацияси доирасида фуқаролик процессида прокурорнинг иштироқи юзасидан тадқиқотлар ўтказишни талаб этмоқда.

Тадқиқот мавзусининг илмий ривожланиши даражаси. Юқоридаги мавзунинг ўрганилганлик даражаси ҳақида гап кетганда, мавзу ҳозирги кунда

мамлакатимизда деярли қўл ўрилмаган соҳа эканлигини кўриб ўтишимиз мумкин.

Жумладан, ушбу мавзу юзасидан ҳали магистрлик, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинмаган. Мавжуд адабиётлар Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т: Ўзбекистон, 2009. – Б-81., Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм. – Тошкент: Илм Зиё, 2012. Б 422., Мамасиддиқов М.М., Ҳабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2006., Мамасиддиқов М.М. Прокурор ваколати, уни таъминлашнинг айrim масалалари // Ҳаёт ва қонун. 2004. №4., Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: қонунчиликдаги ютуклар ва айrim муаммолар хусусида. “Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг янгича асосларда шаклланиши: ютуклар ва муаммолар” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 2007 йил 29 ноябрь. -Т.: ТДЮИ. 2007., Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма (ўзгартиш ва тўлдириш-лар билан). Проф. Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Т.: АҚҲМИ., Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. Проф. Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Т.: АҚҲМИ. 2008., Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. – Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2010., .Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процес-суал кодексига киритилган янгиликлар (илмий-амалий қўлланма) // Масъул муҳаррир ю.ф.н. А.Б.Ғафуров. –Тошкент: ЮМОМ, 2012., Мамасиддиқов М.М., Шодмонов Ф.Ю., Алимарданов X. Фуқаролик процессида прокурор иштироки (ўқув-амалий қўлланма). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, 2014., Мамасиддиқов М.М., Миражмедова Н.А. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: миллий амалиёт ва хорижий тажриба //

Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент: “Адолат”. 2016., Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик ишларини назорат тартибида кўришда прокурор иштироки // Odillik mezoni. 2019. 1-сон., Мамасиддиқов М.М., Шайзаков Ш.И., Шамшидинов У.Т. Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш масалалари // Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент, 2020 каби илмий адабиётлардан иборатdir.

Хорижий мамлакатлар, хусусан Россия Федерациясида бу масала бўйича бир нечта докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди, жумладан, Заболоцкая И.В. “Участие прокурора в современном российском гражданском процессе”. Москва, 2000; Н.Т.Маслова “Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве” Саратов, 2002; А.А.Сергиенко “Участие прокурора в рассмотрении гражданских дел судами общей юрисдикции”. Москва, 2005; Гадиятова М.В. “Участие прокурора при рассмотрении гражданских дел судами. Екатеринбург, 2005; А.Л.Иванов “Защита прокурором прав и законных интересов граждан в российском гражданском судопроизводстве”. Москва, 2009; Е.В.Токарева. “Защита прокурором публичного интереса в гражданском процессе”. СПб., 2015³, Воробьев Темур Николаевич «Теоретические и практические проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве » диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук, Саратов – 2019.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва прокурорнинг фуқаролик ишлари бўйича иштирокини тартибга солувчи қонунчилик, тегишли мавзулардаги илмий ишлар, прокурор судларда фуқаролик процесси тартибида ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда иштирок этиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар тўплами.

³ УЧАСТИЕ ПРОКУРОРА В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ. Магистерская диссертация обучающегося по направлению подготовки 40.04.01 Юриспруденция программа «Гражданский процесс, арбитражный процесс» заочной формы обучения, группы 01001666 Бажинова Дмитрия Юрьевича

Тадқиқот мақсади ва вазифалари.

- ✓ фуқаролик ишлари бўйича прокурор иштирокидаги томонлар тенглиги тамойили билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва таснифлаш;
- ✓ миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларида фуқаролик судлари томонидан ишлар кўрилишида прокурор иштирок этишининг мақбуллиги, қатнашиши чегараси, мезонлари тизимини ишлаб чиқиш;
- ✓ фуқаролик ишлари бўйича прокурорнинг ҳуқуқий мақомига оид масалага тўғри ёндашиш мақсадида илмий тадқиқотларни ўрганиш;
- ✓ фуқаролик ишлари бўйича прокурорнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда илмий қарашлар, олимлар фикри, прокуратура органлари ва суд амалиёти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва номувофиқликни ўрганиш;
- ✓ прокурорнинг фуқаролик ишларида иштирок этишининг афзалликлари ва камчиликларини тадқиқ этиш;
- ✓ фуқаролик процессида жисмоний ва юридик шахслар, жамият ва давлат манфаатларининг мутаносиблигига асосланиб, прокурорнинг ишда иштирок этиш позицияси, иштирок этиш шакллари, ҳуқуқ ва мажбуриятлар доираси билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;
- ✓ прокурорнинг судга мурожаатини, иш юзасидан фикр беришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги айrim камчиликлар, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва зиддиятларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Ушбу магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида алоҳида тартибда кўриладиган ишлар юзасидан фуаролик судларида прокурор иштирокидаги айrim муаммолар, прокурор томонидан юридик шахслар, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси киритиши масаласи, прокурор томонидан киритиладиган даъво аризаси, протестнинг электрон шаклда бўлиши кераклиги, судлар ва прокуратура ўртасида электрон интеграция муҳити яратиш масалалари биринчи маротаба магистрлик тадқиқоти даражасида ўрганилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Прокурорнинг фуқаролик ишларида иштирок этиши тарихи В.Р.Аликова, А.З. Золников, И. В.Заболотская, С.М.Казанцевлар илмий ишлар олиб борган бўлса, Совет ва постсовет даврида олимлар фуқаролик процессининг долзарб мавзуларини ишлаб чиқишида прокурорнинг процессуал ҳолати хусусида илмий масалаларни ўрганиб чиқишиди. М.М Мамасиддиқов, Пўлатов Б.Х., Мадалиев О.М., Шакарян, М.А.Викут, А.Ф. Козлов, А.Ф.Клеинман, А.А.Мелников, Н.А.Чечина, Д.М.Чечот, В.Н.Шчеглов, М.И.Эриашвили прокурорнинг фуқаролик процессуал хуқуқида иштирокчи сифатида мақомини муҳокама қилишиди.

Прокурор томонидан юридик шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари С.А. Алехина, Э.М. Артамонова, Н.А. Василчикова, Д.А.Туманов, Ю.В.Корулина, А.В.Концев ва бошқа муаллифлар илмий асарларида таҳлил қилинган бўлса,

Прокурорнинг фуқаролик ишларида иштирок этиш шаклларини М.М.Мамасиддиқов, С.Ф.Афанасев, В.Ф.Борисова, А.Ю.Винокуров, О.В.Исаенкова, А.Н. Григориев, О.В.Эременко, И.Н.Лукянова, М.Ю.Крутиковлар ўрганишган.

Шундай қилиб, танланган мавзууни кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётганилиги ва суд томонидан фуқаролик ишларини қўриб чиқишида прокурорнинг иштирокини хуқуқий тартибга солишда қонунчиликда айрим бўшлиқлар мавжудлигини хисобга олган ҳолда чуқур ўрганилган деб хисоблаш мумкин эмас.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотнинг методологик асослари илмий билимларнинг умумий ва маҳсус усулларидан иборат. Амалдаги умумий илмий услублар орасида асосийси диалектик-материалистик, тизимли-структуравий, расмий-хуқуқий, қиёсий-хуқуқий усуллардир. Эмпирик усул таҳлил ва цинтез усуллари билан бир қаторда прокурорнинг фуқаролик ишлари бўйича иштироки билан боғлиқ бўлган энг кенг тарқалган хатоларни текширишга имкон беради. Хуқуқий моделлаштириш ва назарий башорат

қилиш усуллари ёрдамида амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилигини модернизация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Мавзу юзасидан келтирилган, тизимлаштиришган ва ишлаб чиқилган назарий фикрлар прокурор назорати, фуқаролик процессуал ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқий фанлар юзасидан маъруза матнларида, ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишида ва илмий тадқиқотларда фойдаланиши мумкин. Тадқиқот натижасида илгари сурилган таклифлар ва амалий тавсиялар фуқаролик процессуал ва прокуратура фаолияти билан боғлиқ қонунчиликнит таомиллаштириш ҳамда фуқаролик судларида прокурор иштироки билан боғлиқ амалиётни янада яхшилаш учун қўлланилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Кириш, уч боб ва уларга тегишли бўлган саккизта параграф ҳамда хulosса, фойданилган адабиётлар рўйхати ва иловалар каби қисмлардан иборат.

1-БОБ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ ИШТИРОК ЭТИШ ТАРИХИ, АСОСЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1.1. СУДЛАРДА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ ҚЎРИЛИШИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ ИНСТИТУТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ

Ҳар бир жараён, ҳодиса ўз тарихига эга бўлганидек, фуқаролик судлари, унда прокурор иштироки масаласи ҳам ўз тарихий тараққиёт босқичларига эгадир. Бу турли давлатларда ҳар хил кўринишда ривожланиб борган.

Тарихдан маълумки, VIII асрда юртимизда ислом дини қабул қилинди. Ушбу тарихий жараёндан кейин юртимизда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар асосан шариат қоидалари ва маҳаллий урф-одатлар асосида тартибга солинадиган бўлди. Бу қоидаларнинг қатъий таъминланиши учун **қози ва бий судлари** масъул бўлишган. Сиёсий нуқтаи назардан, мусулмон суд тизими тарихи судьялар томонидан ҳам, ҳукмдорлар томонидан ҳам мустақиллик тамойилларининг намоён бўлишидир.

Ислом судьялар томонидан қарор қабул қилишда мустақиллик тамойилини ҳурмат қилишга чақиради. Илк мустақил қозилар (судьялар) иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб даврида тайинланган ва мусулмон давлати вилоятларида ишлаган. Маҳаллий ҳукмдорлар судьяларга таъсир ўтказа олмаган, аксинча, уларнинг ўзи судьялар назорати остида бўлган⁴. Демак, бундан шу нарса маълумки, судьяларнинг мустақиллиги, ҳаттоқи ҳукмдорларни ҳам назорат қилиб турганлиги суд тизиминингadolатли ва ишончли эканлигидан далолатdir.

Суд ишлари очиқ, одатда барча ҳохловчилар қатнашиши мумкин бўлган масжидларда кўрилган. Жараён оғзаки олиб борилган бўлиб, ёзма шаклда ифодаланмаган. Вақт ўтиши билан Аббосийлар даврида фуқаролик ишлари бўйича суд баённомаси тузилган. Томонларнинг тан олиши, гувоҳлар кўрсатмаси ва қасам асосий исбот ҳисобланган. Иш битта мажлисда ҳал

⁴ <http://islamonline.uz/index.php/item/1977-qozilar>. 01.02.2021

бўлиши шарт эди, кейинги мажлисга ўтиши мумкин эмас эди¹. Демак, бу даврга келиб фуқаролик судларида бир қанча ўзгаришлар бўлиб, ҳозирги кундаги суд мажлиси баённомасига ўхшаш хужжат пайдо бўлиб, суд жараёнлари қофозга туширилиб борилган.

Қозилик судлари ва бий судлари алоҳида-алоҳида вазифаларни бажаришган. Хусусан, қози судлари шариат нормалари асосида жиноий ва фуқаролик ишларини, жумладан, меросни тақсимлашдан келиб чиқадиган низоларни, оила ва никоҳ масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланганлар. Бундан ташқари ушбу тартиб-қоидаларга аниқ ва бир хилда амал қилишлари устидан назоратни ҳам айнан улар амалга оширганлар. Бу функцияning мавжудлиги ўша даврда прокурор алоҳида мансаб бўлмасдан унинг бугунги кундаги назоратининг айрим элементларини ўзида сақлаганлигини қўришимиз мумкин. Бу эса ўтмишда мамлакатимизда прокурор ва судья ваколатлари аралаш ҳолда жамиятда мавжуд эканлигидан далолатdir.

Бий судлари тўғрисида гап борганда улар асосан маҳаллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиқиб, низоларни ҳал этишганликларини, ушбу ҳолатлар юзасидан эса тўхтам қабул қилишганликларини қўришимиз мумкин⁵

Улар чиқарган баъзи қарорларнинг устидан шикоят қилиниши мумкин бўлиб, улар асосан жиноий ишлар бўйича чиқарилган қарорлардир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу каби қарорлар устидан шикоят этиш ҳуқуқи факат ҳукмдорларгагина тегишли бўлган. Мазкур тегишлилик фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига, уларни лозим даражада, ёхуд ўз вақтида таъминланмаслигига сабаб бўлган. Чунки ҳукмдорларнинг ҳар бир чиқарилган қарор билан танишиб чиқишга ва ҳар бир фуқаро билан шахсан ишлашга вақти ҳам, имконияти ҳам бўлмаган. Бундан ташқари, фуқаролик ва мулкий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш учун чиқарилган қарорлар устидан эса ҳаттоқи давлат бошлиқлари ҳам шикоят эта олмаган. Бу каби қарорлар қатъий ва ўзгармас бўлган. Бундан кўриниб турибдики, адолатни

⁵ Mualliflar jamoasi. Prokuror nazorati. Darslik.– Toshkent: TDYU, 2019. –9 bet

таъминлаш, ҳақиқитни очиш учун қози ва бийларга кенг қўламли ваколатлар берилган.

Мазкур маълумотлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда прокурорлар айнан бугунги қундаги вазифалари қозилар ваколатлари билан қоришиб кетганлигини, ҳозиргидек иккита орган ўртасида аниқ чегара йўқлигини кўришимиз мумкин. Бироқ, ўша даврда ҳам прокурор ваколатларининг бугунги қундаги элементлари борлигиги гувоҳ бўламиз.

Ҳозирги қундаги прокуратура тизими *XIX асрнинг иккинчи ярмида* пайдо бўлди. Бу албатта, Чор Россияси босқини билан боғлиқ. Ушбу узоқ тарихий жараённи бир қанча босқичларга ажратишимиз мумкин. Улар қўйидагилардан иборат:

*Биринчиси XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1917 йил октябрь тўнтаришига бўлган вақтни ўз ичига олади*⁶.

Биринчи давр. Бу давр прокуратура органларининг ташкил этилиши учун дастлабки қадам бўлди. Биринчи бор прокурор назорати институти ташкил этилиши 1867-йилдаги Туркистон ўлкасини бошқаришга оид вақтинчалик Низом лойихасида кўзда тутилган эди.

Прокурорлар эса ўша даврда суд палатаси ва округ суди мажлисларида *шиширок этиши* ва қонунни қўллаш юзасидан *хуноса берииш*, аниқланган камчиликлар юзасидан *фармойиши берииш*, интизомий иш юритув қўзғатиш; жазони ижро этувчи муассаларда, қамоқхоналарда маҳбуслар сақланишининг қонунийлиги устидан кузатувни олиб бориш каби вазифаларни амалга оширишган.

М.И.Эриашвили фикрларига кўра, «фуқаролик процессида давлат прокурори даъволар билан чиқши ҳуқуқига эга эмас эди. Суд қарорларига норозилик билдириши ҳуқуқи прокурорга *фуқаролик процесси хартияси ва фақат хазина билан боғлиқ бўлган ҳолларда, шунингдек, никоҳ*

⁶ Махбубов М. Законность в дореволюционном Узбекистане // 70 лет на страже закона. – Т., 1992.

масалаларида берилган⁷. Бундан кўриниб турибдики, прокурорлар фақат **газначилик ва оилавий масалалар** юзасидангина даъво аризалари киритиш ваколатига эга бўлишган. Бу даврда фуқаролик судларида прокурор иштироки ўз моҳиятини йўқота бошлади.

Прокурорнинг ушбу даврдаги фуқаролик жараёнида иштироки мутлақо самарасиз эди. Бундан ташқари, бу процесснинг тез кўрилишини ҳам қийинлаштиради, чунки кўп ҳолларда прокуратура хулосаси бир парча қоғозга айланиб қолганди. Уларнинг судларда иштирок этиш ёки этмаслигининг аҳамияти қолмаган бир даврга айланиб қолди.

Биринчи босқичда прокуратура қаттиқ жазоловчи орган вазифасини бажарган, бироқ 1905-йилдаги Чор Россиясидаги дехқонлар қўзгалони вазиятни тубдан ўзгартирган. Бу давр ҳақида **1905-йилда таникли суд арбоби ва процессуалист Г. Вебловский таъкидланганидек**, «Фуқаролик процессида прокурорнинг иштироки ҳақиқатда бутунлай фойдасиз эди. Бу ҳамто процессни мураккаблаштирад... Умуман олганда, аксарият ҳолларда, прокурор хулосаси маъносиз бир ҳужжатга айланган эди (баъзан «Мен кўриб чиқдим формуласи « билан даъвони рад этиши тўғрисида ёки даъвони таъминлаш « назарда тутиларди холос) ва шу билан бирга прокурор фақат ишга халақит берарди»⁸. Бу фикрлардан шуни англашимиз мумкинки, прокурорларнинг судларда иштироки бир рамзий маъно касб этиб қолганилигидан далолатдир. Ўша даврларда фуқаролик судларида прокурор фақат хулоса бериш учунгина иштирок этар, бу хулоса эса бир варақ қоғоздан бошқа нарса бўлмай қолган бир даврлар эди.

Шундай қилиб, мавжуд бюрократик тизим шароитида фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш учун прокурор институти самарали механизми эмас эди. Бунинг сабаби, **биринчидан**, давлат томонидан қатъий назорат йўқлиги бўлса, **иккинчидан**, инсон омили таъсирлари мавжудлигидир.

⁷ Эриашвили М. И. Участие прокурора в гражданском процессе: Монография / Под ред. Н. М. Коршунова. М., 2010. С. 10.

⁸ Коршунов Н. М., Мареев Ю. Л. Гражданский процесс: Учебник. М., 2009. С. 155.

Бу ҳолат охир-оқибат, прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиш институти **1911-йил 9-майдаги «Прокуратура назорати мансабдор шахсларини фуқаролик ишлари бўйича судларда фикр бернидан озод қилиши тўғрисида « ги** Конуни билан сезиларли даражада чекланишига туртки бўлди⁹.

Бу эса ўз навбатида, прокуратура органларининг ваколатлари камайтирилганидан далолатдир.

Аммо, прокурор томонидан хулосани тақдим этишини назарда тутадиган тўртта ҳолат сақланиб қолди. Уларга қуйидагилар киради:

- 1) *суд ва хукумат тузилмалари ўртасидаги низолар;*
- 2) *хужжатларнинг соҳталиги тўғрисидаги низолар ва умуман, никоҳ ва тугилишининг қонунийлиги тўғрисидаги суд томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган ҳолатлар;*
- 3) *маъмурий идора ва сайловчилар мансабдор шахсларининг ва ходимларининг буйруқлари билан етказилган зарап;*
- 4) *етказилган зарапни ундириши масаласи.*

Шундай қилиб, прокурорнинг ваколати фуқаролик суд ишларини юритишнинг аксарият қисмини ўз ичига олмайди, бу эса иқтисодий ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг ривожланмаганлиги, шунингдек, ғарбий Европадан фарқли ўлароқ, ўша даврдаги фуқаролик-процессуал қонунчилиги мукаммал даражада эмаслиги билан изоҳланиши мумкин.

Прокуратура 1917-йилгача реакцион давлат тузумини ҳимоя қилувчи орган бўлишига қарамасдан, бироқ Чор Россияси билан бирга бу органга ҳам барҳам берилган. Бу прокуратура органлари бутунлай йўқ бўлиб кетди дегани эмас эди, албатта. Инқилобдан сўнг кейинги давр бошланди.

Кейинги давр, яъни иккинчи босқич 1917-1924 йилларни ўз ичига олади.

Бу давр мобайнида 1917-йилдаги Россиядаги октябрь инқилобидан сўнг суд реформалари ўтказилгунинг қадар Туркистанда собиқ Чор Россиясида фаолият

⁹ Закон от 9 мая 1911 г. «Об освобождении чинов прокурорского надзора от дачи заключений по гражданским делам» // ПСЗ РИ-3. Т. XXXI. Отд-ие I. N 35154.

кўрсатган суд ва прокуратура Советлар ва Адлия Халқ комиссарлар комиссиясининг бевосита назорати остидан фаолият кўрсатишни давом эттирган. Фуқаролик процессида прокурорнинг иштироки 1922-йилда бошланади. Бу вақтга келиб «Прокурор назорати тўғрисида Низом « тасдиқланди, унда янги фуқаролик процессида прокуратуранинг ролини ошириш масаласи кўрилган эди. Буни моҳиятан таҳлил этадиган бўлсак, прокурор ваколатларини ошириш ва фуқаролик судларида уларнинг иштирокини янада мустаҳкамлашдан иборат эди.¹⁰

Муассасалар ва фуқаролар ҳаракатининг қонунийлик устидан назорат (умумий назорат), жиноятларни тергов қилиниши қонунийлиги устидан назорат (суриштирув ва тергов устидан назорат), **суд органлари ҳаракати қонунийлиги устидан назорат (суд назорати)**, жазони ижро этиш муассасалари устидан назорат ёки бошқа шаклдаги назорат давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг турли хил органлари томонидан амалга оширилган. Шу вақтда прокурорлар фуқаролик судларида қатнашиб, давлат манфаатларини ҳимоя қилган.

Учинчиси давр ўзининг узоқ давом этганлиги билан ажralиб туради. Бу даврда 67 йиллик тарих акс этган. Ўзбекистон прокуратурасининг собиқ СССР таркибидаги ривожланиши, яъни 1924 йилдан 1991 йилгача ўтган вақтдир¹¹.

Тўртинчи давр Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинган пайтдан бошлаб, ҳозирги қунгacha бўлган даврни қамраб олади¹².

1991-йилга қадар собиқ Иттифоқ даврида прокуратура фаолиятини ташкил этишнинг тарихий босқичлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.01.1992 йилдаги ПФ-313-сонли Фармони билан Иттифоқ қарамоғидан Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилган.

¹⁰ Головко И.И., Горячева Е.А. Историко-правовые аспекты участия прокурора в гражданском процессе в Российской Федерации // Вестник Омской академии. 2018. № 2.С. 45.

¹¹ Касимова М.К. История создания и развития прокуратуры в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане, 1985. – №5. – С. 19-22; Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиши. – Т., 1991. – Б. 107.

¹² Ибрагимов З. С. Прокуратура суверенного Узбекистана. – Т ., 2000. –

Ўзбекистон Республикаси прокурорининг 06.06.1992 йилдаги 470-сонли буйруғига асосан “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишини назорат қилиш” бўлими тугатилиб, унинг ўрнига “Фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлигини назорат қилиш бўлими” ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 14.07.1994 йилда “Судларда фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколати таъсиранлигини ошириш ҳақида”ги буйруғи имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси прокурорининг 03.07.1997 йилдаги 312-сонли буйруғига кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизимида судларда хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими ташкил этилганлиги муносабати билан “Судларда фуқаролик ва хўжалик ишларини кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими”нинг номи “Судларда фуқаролик ишларини кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими” деб ўзгартирилган.

Ўзбекистон Республикаси прокурорининг 12.11.1998 йилда 16-сонли “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатининг таъсиранлиги ва самарадорлигини ошириш ҳақида”ги буйруғи қабул қилинган (ушибу буйруқ билан 14.07.1994 йилдаги буйруқ бекор қилинган).

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси ва ”Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида 2000 йил декабрдан эътиборан умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилди.

Кейинчалик, ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши кенг қамровли ислоҳотларнинг прокуратура органларида йўналишлар бўйича фаолият ва вазифаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Бунинг натижасида бўлим фаолияти билан боғлиқ Бош прокурор буйруқлари қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими

тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 23.04.2004 йилда 14-сонли ҳамда 11.05.2004 йилда “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 22-сонли буйруқлар қабул қилинди.

23.04.2004 йилги 14-сонли буйруқнинг қабул қилиниши билан Бош прокуратуранинг 04.11.1998 йилги 10-сонли ҳайъат қарори билан тасдиқланган “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими ҳақида” ги Низом, 11.05.2004 йилги 22-сонли буйруқ билан эса 12.11.1998 йилги 16-сонли буйруқ ўз кучини йўқотган деб топилган.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатини қатъий таъминлаш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилиши муносабати билан Бош прокурор томонидан 17.11.2015 йилда “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғи қабул қилиниб, 11.05.2004 йилги 22-сонли буйруқ бекор қилинган.

Бўлимнинг асосий вазифалари этиб, қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали химоя қилишни таъминлашдан иборатлиги белгиланди. Қайд этилган буйруқда прокурор фаолиятини баҳолашнинг аниқ мезонлари мустаҳкамланди.

Бош прокурорнинг 27.10.2017 йилдаги 144-сонли буйруғи билан эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Фуқаролик суд ишларини юритишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Ушбу Низомга асосан прокурорлар фуқаролик судларида қатнашиши белгилаб берилган¹³.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси 14-бошқарма маълумотларидан фойдаланилди.

1.2. СУДЛАРДА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ КҮРИЛИШИДА **ПРОКУРОР ИШТИРОКИННИГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ,** **ЗАРУРАТИ ВА ШАКЛЛАРИ**

Фуқаролик ишларини судда кўришда прокурорнинг роли кўп йиллар давомида илмий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Олимлар ва амалиётчиларнинг, хусусан, прокуратура органлари вакилларининг фикрлари бир - биридан фарқ қилмоқда. Бир томондан, давлат органлари фуқаролар ўртасида низо бўлган хусусий муносабатларга аралашмаслиги керак деб таъкидланса, бошқа томондан прокурор қонун ҳимоячиси, фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини доирасида иш олиб борувчи шахс сифатида намоён бўлади. Қуйида даставвал прокурорнинг фуқаролик судларида иштирокининг ҳуқуқиий асосларига тўхталиб ўтсак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиш, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият хисобланиши¹⁴ тўғрисида норма белгиланган бўлиб, шахсларнинг бу каби қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришда прокуратура органларининг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Прокуратура – Ўзбекистон Республикасининг энг муҳим давлат органларидан бири бўлиб, мамлакат ҳудудида қонунларнинг бир хил ва аниқ бажарилиши устидан назорат қилиш билан бир қаторда мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунларнинг бир хилда амалиётга татбиқ этилиши ва энг муҳими фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент, Ўзбекистон. .
<https://lex.uz/docs/20596>. 07.06.2021

эркинликларини мухофаза қилиш билан шуғулланади.

Мамалакатимизда янги вужудга келган ижтимоий муносабатлар, ҳукуқни мухофаза қилувчи органлар, шу жумладан, суд-хукуқ ва тергов соҳасидаги вужудга келган ўзгаришлар прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукуқий ҳужжатни, яъни “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири лойиҳасининг ишлаб чиқилишига туртки бўлди. 2001 йил 29 августда янги таҳирдаги “Прокуратура тўғрисида” ги Қонун қабул қилиниши янги мақсадлар сари қўйилган илк қадам бўлди. Унга асосан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига айлантирилди. Шунингдек, мазкур Қонунга мувофиқ прокурорлик назорати тизимиға ҳам жиддий ўзгаришлар киритилди.

Шу жумладан, йиллар давомида кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган прокурорлик назорати обьекти сифатида белгиланиб келинган фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари устидан назорат функциясининг прокурор назорати обьектлари қаторидан чиқарилиши билан одамлар онгидаги прокуратура “қораловчи идора” деган тушунчага барҳам берилди десак, янглишмаган бўламиз. Янги таҳирдаги Қонун Прокуратурани том маънода фуқароларнинг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини, қонуннинг талабларини ҳимоя қиласиган органга айлантириди. Шу билан биргалиқда қонунга прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтирадиган янги нормалар ҳам киритилди, шунингдек прокурорларнинг ижро этиш мажбурий бўлган амрнома киритиш ваколати бекор қилинди.

Янги таҳирдаги Қонунда прокурорларгинг назорат ҳужжати этиб протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огохлантирув белгиланди¹⁵. Фаолиятни ташкил этиш ва тартибга солиш юзасидан бир қанча ўзгаришлар киритилди. Жумладан, Қонуннинг 5-моддаси саккизинчи қисмига кўра Қорақалпоғистон

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/106197>. 22.05.2021

Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиши, шунингдек зарур бўлган ҳолларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қонунийликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Яна бир муҳим ўзгаришлардан бири шу бўлдики, эндиликда Қонуннинг 13-моддаси тўртинчи қисмига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилиниши белгиланди.

Бунинг аҳамияти шундаки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари қонунчилигимизга тўлақонли мос бўлиши ва агарда қонунчиликка мос бўлмаса ёхуд уни четлаб ўтишга қаратилган бўлса, Конституциявий суд томонидан бекор қилиниши назарда тутилган.

Бундан ташқари фуқаролар хуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Қонуннинг 26-моддасида фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган хуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз хуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этиши ва судда қувватлаши лозимлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган¹⁶. Бунда асосан фуқаронин ёши, фуқаронинг соғлиғи асосий мезон сифатида келтириб ўтилган, шунингдек бошқа сабаблар ҳам назарда тутилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ҳам прокуратура органлари билан боғлиқ номатив-хуқуқий ҳужжатлар янада такомиллаштиришни талаб этди. Унга

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. 9-10-сон, 41-б.

кўра, Қонун 2017 йил 14 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrim қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги 446-сонли қонуни асосида Қонун 5-модда тўққизинчи қисм билан тўлдирилди ва прокуратура органлари фаолиятининг қонуний асосларга кўра ошкора бўлган ҳолда қонунларнинг ижро этилишини назорат қилишга ва жиноятчиликка қарши курашга доир фаолияти тўғрисида мунтазам равишда жамоатчиликни бохабар қилиб бориш, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонун ҳужжатларига асосланган тартибда амалга ошириши белгиланиб қўйилди.

Фуқаролик суд ишларини кўриб чиқиш жараёнларида қонунийлик ва адолатни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор фаолиятининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишда қонун нормаларини халқаро стандартлар талабига мувофиқлаштириб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Куйида фуқаролик процессларида прокурор иштирокининг бугунги кундаги ҳолатини таҳлил қиласиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш¹⁷ прокуратура органларининг фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилишнинг яна бир самарали усули десак, янглишмаган бўламиз.

17.11.2015 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” 124-сонли буйруғида ҳам айнан шу масалага эътибор қаратилган бўлиб, унга кўра прокурорларга қўйилган вазифалар, баҳолаш мезонлари, ваколатлари, судда иштирок этиш тартиби ва шартлари белгилаб берилган.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. 9-10-сон, 41-б.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишидаги асосий вазифалари - қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат¹⁸ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фуқаролик ишларида прокурорнинг иштирок этиши борасида нормалар мамлакатимиз қонун ҳужжатларида назарда тутилган ушбу тоифадаги ишларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва келажак авлоднинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати билан белгиланади. Шунингдек, прокурор қонунда тўғридан-тўғри назарда тутил-маган бўлса-да, бошқа тоифадаги фуқаролик ишларининг судларда кўрилишида иштирок этиши мазкур ишларнинг долзарблиги, мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти ва жойлардаги қонунийлик аҳволидан келиб чиқиши лозим бўлади. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг юкорида зикр этилган буйруғида ҳам прокурор бошқа тоифадаги ишларнинг кўрилишида уларнинг долзарблиги, мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти ҳамда худуддаги қонунийлик аҳволидан келиб чиқиб иштирок этиши мумкинлиги белгилаб кўйилган.

Фуқаролик суд ишларини кўриб чиқиш жараёнларида қонунийлик ва адолатни таъминлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларинии таъминлаш мақсадида прокурор фаолиятининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишда қонун нормаларини халқаро стандартлар талабига мувофиқлаштириб бориш бугунги қуннинг долзарб масалаларидан

¹⁸Қаранг. Мамасиддиқов М.М., Шайзаков Ш.И., Шамшидинов У.Т. Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш масалалари // Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент, 2020. 30-бет.

бири ҳисобланади. Қуйида фуқаролик процессларида прокурор иштирокининг бугунги кундаги ҳолатини таҳлил қиласиз.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратураси тўғрисида” ги Қонунининг 4-моддасида прокурорлар фуқаролик судларида иштироки таъминланиши тўғрисида норма белгиланган. Шунингдек, 17.11.2015 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” 124-сонли буйруғида ҳам айнан шу масалага эътибор қаратилган бўлиб, унга кўра прокурорларга қўйилган вазифалар, баҳолаш меъзонлари, ваколатлари, судда иштирок этиш тартиби ва шартлари белгилаб берилган.

Аввало, прокурор фуқаролик судларида қай кўринишда иштирок этишига ойдинлик киритамиз. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасига асосан “Агар фуқаро соғлигининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳукуқига эга”¹⁹. Демак, прокурор манфаатдор шахс томонидан агарда юқоридаги асослар мавжуд бўлса, судга даъво ариза киритиши мумкин. Бу ҳолатда албатта, фуқаронинг ёш чегараси, соғигидаги муаммолар ўрганиб чиқилади. Шундан сўнг даъво ариза киритиш масаласи кўриб чиқилади.

Юқоридаги модданинг айнан иккинчи қисмида иштирок масаласига алоҳида урғу берилган. Унга кўра, прокурор фақат **қонунда назарда тутилган ҳолларда**, шунингдек **прокурорнинг аризасига кўра қўзгатилган ишлар бўйича** фуқаролик ишининг муҳокамасида иштирок этишга ҳақли бўлиши мумкин, бундан ташқари бошқа масалалар юзасидан прокурор бошқа

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас.

Демак, бу ҳолатда прокурор икки хил иштирок этади. Биринчиси, қонунда назарда тутилган ҳолларда бўлса, иккинчиси прокурорнинг ўз даъво аризасига қўра қўзғатилган ишлар.

Конунда назарда тутилган ҳоллар айнан қайсилар эканлигини қўйида кўрсатиб ўтамиз:

- 1) фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларда (ФПК 302-модда);
- 2) ота-оналик ҳукуқидан маҳрум қилиш, шу ҳукуқни тиклаш ёки чеклаш тўғрисидаги ишларда (ОК 80-82—83-моддалар);
- 3) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишларда (ФПК 307-модда);
- 4) шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишларда (ФПК 318-модда);
- 5) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларда;
- 6) шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ишларда (ФПК 322-модда);
- 7) вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (ФПК 325-модда);
- 8) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишларда (ФПК 329-модда)²⁰;

Демак, юқоридаги 8 та тоифадаги ишларда қонун талабига қўра прокурор иштирок этиши ва ФПК нинг 245-моддасига асосан фикр бериши лозим. Бу

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

тоифадаги ишлар прокурор иштирок этиши лозим бўлган мажбурий тоифадаги ишлар ҳисобланади.

Республика бўйича ФИБ туманлараро, туман (шаҳар) судида биринчи инстанцияда кўрилаётган фуқаролик ишлари ва чиқарилаётган суд буйруқларининг сони 2016 йилнинг биринчи ярмида 523602 тани, 2017 йилнинг биринчи ярмига келиб эса 571648 тани ташкил этган, ва бир йилда ўртacha хисобда 50 мингтага кўпайган. 2018 йил давомида ФИБ туманлараро, туман (шаҳар) судида биринчи инстанцияда кўрилган фуқаролик ишлари ва чиқарилган суд буйруқларининг сони 395108 тани ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврида бирмунча камайиб, 239651 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич 2020 йил 1-чорагида жами 101893 тани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 124-сонли буйруғида ҳам юқоридаги тоифадаги ишлар рўйхати келтириб ўтилган.

Юридик адабиётларда (В.М.Жуйкова) биринчи инстанция судларида прокурор иштирокининг учинчи шакли, яъни номуайян шахслар доирасига дахлдор масалалар бўйича ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ишларни қўзғатиш шакли ҳам борлиги айтилади.²¹ Бу ўринда унинг фикрини тасдиқлаш бироз муаммоли, негаки бу вазиятда прокурорнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этиш функцияси белгиланган. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги даъво аризаларини прокурор томонидан судга тақдим этишда юқоридаги нормалар асос вазифасини бажаради. Шундай экан, ушбу ҳолатда прокурор фуқаролик процессида иштирок этишнинг биринчи шакли, яъни бошқа шахсларнинг

²¹ Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дис. соис. учен. степ. канд. юрид. наук. -Саратов, 2002. -16 с.

хуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш шаклида иштирок этади.

Бошқа шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор томонидан судга мурожаат қилиш жараёнида қўплаб баҳс-мунозарали ҳолатлар учрайди. Хусусан, айрим олимларнинг фикрича, прокурорнинг судда фуқаролик ишларини қўзғатиш борасидаги ваколатларининг доираси белгиланмаганлиги судда ишга дахлор бўлмаган тарафни алмаштириш ҳолатлари кўпайишига, суд процессларида тарафлар фойдаланадиган эркин хуқуқ принциплари у ёки бу даражада чекланишига олиб келиши мумкин.²² Бу фикр амалиётда ўз аксини тўла қонли топмаган фикр ҳисобланади, негаки прокурорнинг судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши амалда бошқа бир фуқаронинг хуқуқларини бузиш учун эмас, аксинча адолатни қарор топшириш учундир.

Прокурорнинг судларга ўзгалар манфаатинин ҳимоя қилиб даъво аризаси киритиши тўғрисида олимлар фикри қандай эканлигини муҳокама қилиб, ўз позициямизни билдирамиз. Бу борада процессыалист Б.В. Кравцов шундай дейди: “Фуқаролик ишларини қўзғатиш бўйича прокурор ишларини яхши йўлга қўйиш, ўз фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтиришни таъминлаш учун прокурор судда қандай тоифадаги ишларни қўзғатиши кераклиги белгиланиши лозим”²³. Бироқ бу гапни инкор этган ҳолда В.Н.Аргунов бошқача фикр билдиради, яъни у шундай дейди: “Фуқаролик ишларида прокурор даъво аризасини киритиш хуқуқига эга бўлиши ва бу ваколат унинг ажralmas элементи бўлиши лозим”²⁴. Тўғри, агар прокурор даъво аризаси киритиши лозим бўлган ишлар чегараланган тақдирда, фуқароларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларига путур етказилиши эҳтимолдан ҳоли эмас, албатта.

²² Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. –Т.: АҚҲМИ. 2008. -16 б.

²³ Қаранг: Кравцов Б.В. Предъявление прокурорами исков - важная форма защиты прав и интересов граждан Сов. государство и право, 1966. № 1. -С. -67-68.

²⁴ Қаранг: Аргунов В.Н. Участие прокурора в гражданском процессе. –М.: МГУ, 1991. -91 с.

Ўзбек процессуалист олими М.М.Мамасиддиқов эса бу борада асосан Б.В.Кравцов фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда прокурор даъво аризаси киритиши лозим бўлган ишларнинг белгиланиши судларда прокурорларнинг асоссиз аралашувларини камайтиради, фуқароларнинг эса ўз хуқук ва манфаатлари учун қайгуришларининг ортишига сабаб бўлади деган фикрларни билдирган. Н.Чечина эса бу борада кескин фикр билдириб, яъни прокурорнинг суд процессида иштироки унинг зиммасига юклатилган қонунийликни таъминлаш функцияси билан узвий боғлиқ²⁵ эканлигига алоҳида урғу беради. Бу ўринда биз В.Н.Аргунов ва Н.Чечина фикрларига қўшилган ҳолда даъво аризасини киритиш прокурорларнинг узвий хуқуқларидан бири ва унинг ишда иштирок этиши эса қонунийликни таъминлаш билангина боғлиқ деб хисоблаймиз, негаки прокурорнинг судларда иштирок этишидан мақсад судья фаолиятига асоссиз аралashiш ёхуд фуқароларнинг хуқук ва манфаатларини чеклаш ёки бир томон манфаатини ҳимоя қилиб, иштирокчилар хуқуқлари юзасидан мувозанатни бузиш эмас, аксинча аввало, қонунийликни, адолатни таъминлаш, бундан ташқари судьяга беминнат кўмак беришдан иборат деб ўйлаймиз.

²⁵ Чечина Н.А.:Избранные труды по гражданскому процессу. - С.-Пб.: Изд. Дом С.-Петерб. гос. ун-та, 2004. - 500 с.

1.3. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ХОЛАТИ

Мамлакатимизда содир бўлган ўзгаришлар натижасида суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон мустақиликка эришгандан сўнг янги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида янги ҳуқуқий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилди. Шу жумладан, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилиниб, прокуратура органларининг вазифа ва функцияларида ҳам бир қанча ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларида ҳамда ФПҚда мавжуд прокурор ваколати билан боғлиқ жиҳатларига ўзгартириш киритилиб, эндиликда “судларда ишларни кўришда прокурорнинг иштироки” атамаси қонунчиликда мустаҳкамланиб, Ўзбекистоннинг муқаддам, яъни 1924 йилда қабул қилинган ва собиқ иттифоқ даврида амалда бўлган Гражданлик процессуал кодексида прокурор процесснинг бошқа иштирокчилари қаторида қонунда белгиланган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланар экан, гражданлик процессида қонунчиликка риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш каби ваколатлариига²⁶ барҳам берилиб, судларнинг амалда чинакам мустақиллигини таъмилаб берди.

Юқоридаги кўрсатилган нормадаги ваколати билан прокурор процесснинг бошқа иштирокчиларидан тубдан фарқ қилиб, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя филиш билан бир қаторда суд процесси жараёнида назоратни ҳам амалга оширган. Бу эса албатта, судлар мустақиллигига жиддий путур етказувчи омил эди. Соҳага оид қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон

²⁶ Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик процессуал кодекси: (1986 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон. 1986. -226 б.

Республикаси Баш прокурорининг “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 2015 йил 17 ноябрдаги 124-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг 2020 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг айрим буйруқларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 222-сонли буйруғи асосида ўзгариш ва қўшимчалар киритилган) асосида фуқаролик ишлари кўрилишида прокурорлар фуқаролик ишлари бўйича судларда иштирок этиб келишмоқда.

Судларда прокурорнинг иштироки бошқа давлат органларидан фарқ қиласди. Бу иштирокда прокурор ўзига берилган маъмурий хуқуқлардан фойдаланмасдан, қонунларнинг устуворлигини таъминлашдек муҳим вазифасини фақат ўзининг конституциявий ваколатига ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда белгиланган ваколатларига риоя қилган ҳолда амалга оширади. Шунинг учун ҳам фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қайси шаклда иштирок этмасин, прокурорнинг фуқаролик процессидаги мақсад ва вазифалари ўзгармайди, бинобарин процессуал ҳолати ҳам ўзгармайди.

Бундан ташқари ушбу вазиятда прокурорларнинг даъво ариза киритиш масаласида прокурор ким сифатида қатнашиши кераклиигига алоҳида эътибор қаратамиз. Мана шу норма юзасидан бир қанча баҳс-мунозаралар бўлиб келмоқда, негаки прокурор даъво аризаси киритган вақтда у даъвогар бўладими ёки йўқ.

Биринчидан, айрим муаллифлар прокурорни фуқаролик жараёнида даъвогар деб ҳисоблайдилар. Бу қарашнинг асослилиги прокурорга даъво аризаси бериш йўли билан фуқаролик ишини қўзғатиш хуқуқи берилганлиги сабабли у даъвогарнинг барча хуқуқларидан фойдаланади. Албатта, бунинг бари қонун доирасида амалга оширилади.

Прокурорнинг фуқаролик процессида иштироки назарий жиҳатдан олимлар томонидан турлича талқин этилади. Бир гуруҳ олимлар судга даъво

аризаси киритган прокурорни даъвогар сифатида баҳолашади²⁷. Улар ўз фикрларини исботлаш учун фуқаролик судларида икки томон - даъвогар ва жавобгарнинг иштирок этишини, улар ўртасида тортишувчанлик принципининг мавжудлигини асос қилиб олишади. Процессуалист олим А.А.Ференс-Сороцкийнинг сўзларига кўра, суд ва прокурор ўртасидаги муносабатлар суд ва партия ўртасидаги муносабатлардан фарқ қилмайди. Прокурор, худди оддий даъвогар каби судга даъво аризаси билан белгиланган шаклда мурожаат қиласи ва фуқаролик ишини қўриб чиқиш пайтида ушбу баёнотда кўрсатилган далилларни исботлаш мажбуриятини олади. У жавобгар билан тенг ҳуқуқларга эга ва улар ўртасида тортишувчанлик принципи бузилмайди, далилларни тақдим этади, илтимосномалар беради²⁸.

Тўғри, прокурор ваколатларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ундаги мавжуд ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳеч бир тарафдан устунликни бермайди. Бироқ, ушбу ёндашув вакилларининг фикрларини рад этган М.А.Викут таъкидлашича, прокурор иш бўйича тараф, ҳуқуқий низонинг мажбурий субъекти эканлиги, маълум даражада субъектив манфаатга эга²⁹ эканлигини таъкидлайди. Бироқ, бу назарияга биз қўшила олмаймиз, негаки унга кўра, прокурор низо келиб чиқсан моддий ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши, низони ҳал қилишда шахсий манфаатдорлик ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ўз номидан процессга киришиши лозим. Қизиқ томони шундаки, юқоридаги кўрсатилганлардан ҳеч бири прокурорнинг иштирокида кўзга яққол ташланмайди.

Шу нуқтаи назардан фуқаролик судларида прокурорнинг иштироки даъвогар сифатида рамзий маънода эканлигини кўрамиз, айрим муаллифлар кўрсатилган позицияни прокурорнинг фақат процессуал маънода даъвогарга

²⁷ А. Ференс-Сороцкий, Е. Ю. Новиков. СПб.: Изд-во Санкт-Петербург. гос. ун-та, 2005. 614 с.

²⁸ Ференц-Сороцкий А.А. Прокурор в гражданском судопроизводстве // Известия высших учебных заведений. Правоведение. 1992. № 4. С. 91 - 95.

²⁹ Викут М. А. Правовое положение прокурора, предъявившего иск в интересах другого лица // Вопросы теории и практики прокурорского надзора. 1994. № 10. С. 134-137.

айланишига ишора қилиб аниқлаштирадилар³⁰, шунингдек даъвогар ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқлари бузилган фуқаро бўлиб қолади³¹, прокурор эса фақатгина қонунийликни таъминлаш мақсадида унинг номидан фаолият олиб боради. Бироқ давлат ва жамият манфаатларида бу ҳолат инкор этилади, негаки прокурор бу масалада шахс номидан эмас, аксинча давлат ва жамият манфаатлари ҳимоя қиласди. Лекин Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида давлат манфаатлари учун прокурорнинг даъво ариза киритиши белгиланмаган.

Фуқаролик процессида судларда ишлар қўрилиш жараёнида прокурор ФПК нинг 40-моддасига асосан ишда иштирок этувчи шахс сифатида баҳоланганд. ФПК нинг 51-моддасида эса прокурорнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилган. Ушбу моддага асосан:

1. • Ариза берган прокурор даъвогарнинг барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади ва барча процессуал мажбуриятларини ўз зиммасига олади, бундан келишув битими ёки медиатив келишув тузиш ҳукуки ва суд харажатларини тўлаш мажбурияти мустасно.
2. • Прокурор берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш, иш мазмуни юзасидан, шунингдек ишнинг муҳокамаси вақтида келиб чиқсан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш, суд ҳужжати устидан протест келтириш ҳукукига эга.
3. • Агар даъвогар рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгаришишга, кўшимча талаблар билдиришишга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришишга ёхуд камайтиришишга ҳақли эмас.
4. • Агар даъвогар прокурор томонидан арз қилинган талабни кўллаб-қувватламаса, агар бу учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилмаса, суд даъвони (аризани) кўрмасдан қолдиради.
5. • Прокурорнинг бошқа шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун тақдим этган ўз даъвосидан (аризасидан) воз кечиши, ушбу шахсни ишни мазмунан кўриб чиқишини талаб қилиш ҳукувидан маҳрум этмайди.

Демак, прокурор процесс жараёнида юқоридаги ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланаар экан.

³⁰ Аргунов В.Н. Участие прокурора в гражданском процессе. М.: МГУ, 1991. С. 114; Осокина Г.Л. Право на защиту в исковом судопроизводстве. Томск, 1990. С. 55 – 57.

³¹ Колобова С.В., Сергеенко Ю.С. Трудовое право России: учебник. 2-е изд., перераб. и доп. М.:стицинформ, 2018. С. 322.

Бу ўринда эса прокурорнинг ишда иштирок этувчи бошқа шахслар хуқуқ ва мажбуриятларининг қиёсий таҳлилини ўтказамиз.

Прокурор бошқа иштирокчилар сингари иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш орқали суд ҳужжатларига оид маълумотларга эга бўлса, далиллар тақдим этиш, уларни текширишда иштирок этиш орқали ўз позициясини ҳимоя қиласи. Шунингдек, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш вақтида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хulosаларини тақдим этиш каби ҳукуқлари ҳам бошқа иштирокчилар ҳукуқларидан фарқ қилмайди.

Шу ўринда прокурор фикрига тўхталаған бўлсак, ФПК нинг 245-моддасида прокурор кўрилаётган иш юзасидан ўз фикрини бериши кераклиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра “ишда иштирок этувчи прокурор суд музокараларидан кейин низонинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади”³², - деган норма мустаҳкамлаб берилган. Бироқ бундан прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳукуқларини, эркинликларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар мустасно эканлигига алоҳида ургу бериб ўтилган.

Айни шу масала ҳам баҳсли бўлиб, баъзилар бу норманинг мавжудлиги иштирокчилар манфаатидаги мувозанатни бузади деб ҳисоблашади, яъни “Эътироф этиш лозимки, суд амалиёти таҳлилига кўра, фуқаролик суд ишлари юритишнинг аксарият қисмида фуқаро билан фуқаро ўртасидаги низоли ҳукуқий муносабатлар кўриб чиқиласи. Низоли ҳукуқий муносабатда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этаётган фуқаролар қонун олдида тенг бўлиб, Фуқаролик процессуал кодексининг исботлаш ва далилларни тақдим этиш мажбурияти тўғрисидаги 72-моддасига мувофиқ ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътиrozларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни

³² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/351733> 07.06.2021

исботлаши шарт. Мана шундай ҳолатда, яъни фуқаролар бири-бирига нисбатан тараф сифатида суд жараёнида низолашаётганида нуфузли давлат органининг вакили — прокурорнинг иштирок этиши ва иш натижаси бўйича гарчи қонуний бўлса-да, у ёки бу тарафнинг манфаатида фикр бериши тарафларнинг тенглиги тўғрисидаги принципга муайян даражада таъсир ўтказади”³³.

Бу фикрлардан шуни билишимиз мумкинки, прокурор иштироки тенгликнинг бузилишига олиб келади. Бироқ, бу масалага биз бошқача ёндашамиз, негаки, биринчидан прокурор фикри тавсиявий характерга эга, бундан ташқари прокурор судда фикр беришдан мақсад тенгликни бузиш ёхуд айни бир шахс манфаатини ҳимоя қилиш эмас, балки суд хужжатининг қонунийлиги ваadolatлиигини таъминлаш, шунингдек судга холисона кўмаклашишдан иборатdir.

Профессор Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича ҳам прокурор ишда қандай шаклда иштирок этса ҳам, у ҳамма вақт суд фаолиятини эмас, балки судда қонуннинг бажарилиши устидан ўз ваколатини таъминлайди ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахс бўлиб қолаверади. Шу сабабли прокурор процессда қайси томоннинг ҳукуқини ҳимоя қилишга қарамай, процессда қайси тарафнинг ҳукуқи бузилса, барча ҳолларда ана шу бузилишга қарши чиқиши лозим. Бундан ташқари прокурор, даставвал тутган йўлидан қатъи назар, судда низо кўрилганидан сўнг оқибатда ҳақли чиққан тарафнинг манфаатини ҳимоя қиласди³⁴. Ҳа, албатта, прокурорнинг вазифаси фақатгина қонун устуворлигини таъминлаб, фуқаронинг ҳукуқ ва манфаатини ҳимоя қилишдан иборат, агар ўзи даъво аризаси киритган фуқаро қонунга зид ҳаракат қилган бўлса ёхуд даъво аризаси асоссиз эканлиги аниқланса, даъво аризасини қайтариб олиши ёки процессда адолатни таъминлаши учун фикр бериш жараёнида қарама-қарши томонни қувватлаши мумкин. Бир сўз билан

³³ <http://hudud24.uz/sud-jarayonida-prokuror-ishtiroki-shart-mi/> . 23.02.2021

³⁴ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳукуки: (Дарслик). –Т.: “Адолат”, 2001. – 76 б.

айтганда, прокурор моҳиятан ёндашадиган бўлсак, фуқаронинг манфаати замирида аслидаadolat ва қонунийликни таъминлаш ва уни рўёбга чиқаришдан иборат.

Шунингдек, ФПК 51-моддасида прокурор даъвогар манфаатида ариза билан мурожаат этганда унинг барча ҳуқуқ ва манфаатларидан фойдаланиши белгилаб қўйилган. Бироқ, даъвогар рози бўлмаса, даъво предметини ўзгартириш, кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқига эга эмас³⁵. Бундан ташқари агар прокурор даъво аризани қувватламасдан ундан воз кечган тақдирда, аризачи ишни кўриб чиқиши давом эттиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар бунинг тескариси бўлса, прокурор ишни кўриб чиқиши давом эттиришни талаб қила олмайди, негаки даъвогар ушбу даъвосидан воз кечган.

Юқоридагилардан холоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, фуқаролик процессида прокурор иштироки том маънода ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фарқ қилмайди, унга бирон бир устунлик белгиламайди, бирон шахс манфаатида тенглик тамойилини бузмайди, негаки прокурор аввало, қонун ҳимоячиси, шунингдек суд ҳужжатларинингadolatли ва қонунга мувофиқ чиқарилиши учун кўмаклашувчи шахсдир. Агар даъво ариза киритилган вақтда ўша шахс манфаатини ҳимоя қилиниши тенгликни бузилишига олиб келади деб фикр юритилса ҳам, прокурор бу ўринда айни бир шахс манфаатини эмас, бир фуқаронинг қонуний ҳуқуқ ава манфаатларини ҳимоя филади, агар бу иш қонун доирасида бўлмаса, суд жараёнида бу ҳолат аниқланса, прокурор бу даъво аризасидан воз кечиш ҳуқуқига эгадир. Шунинг учун бу важни кўрсатиб прокурорнинг фуқаролик сударида иштирокини чеклаш керак деган фикрни илгари суриш мутлақо асоссизdir.

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

2-БОБ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КҮРИШ ВА ИЖРО БОСҚИЧИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИННИГ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. АПЕЛЛЯЦИЯ, КАССАЦИЯ ВА ҚАЙТА КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯЛАРИ СУДИДА ИШ ЮРИТИШ ЖАРАЁНИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИННИГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Фуқаролик процессининг энг мухим вазифаларидан бири ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларини қонуний, асосли ва адолатли чиқариш хисобланади.

Фуқаролар эса ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун нафақат биринчи инстанция судида, балки юқори инстанцияларда ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари мумкин.

Жумладан, фуқаролик судларида агар иш дастлабки босқичда кўрилаётганда қонун талабларига риоя этилмаган, иш ўзининг мураккаблиги ёки бошқа турли сабабларга кўра очилмай қолган бўлса, ҳақиқатни юзага чиқариш, фуқаоларнинг ҳуқуқилрини ҳимоя қилиш мақсадида апелляция, кассация, қайта кассация тартибда кўрилиб, тузатишлар киритилиши мумкин.

Маълумки, судда қабул қилинган қарорлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг, хусусан, тарафлар ва учинчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қиласди. Шу сабабли ишнинг кўрилиши натижасидан норози бўлган шахслар юқори турувчи судга шикоят, прокурор эса протест билан мурожаат қилиб, ишнинг текширилишини илтимос қилишлари мумкин. Юқори судлар ўз навбатида биринчи инстанция тариқасида иш кўрган судларнинг қабул қилган қарорлари қанчалик тўғри ва асосли бўлганлигини текширишга мажбур.³⁶ Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида ҳам фуқаролик процессининг дастлабки босқичида ҳал қилув қарорлари ҳамда ажримларида йўл қўйилган хато ва камчиликларини бартараф этиш, бундан ташқари қонунийлиги ва

³⁶ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи.– Тошкент, “Адолат”. 2001. -348 бет.

асослилигини текшириш мақсадида юқори инстанция судларида кўрилиши берилиб ўтилган.

Мустақилликдан сўнг суд-хуқуқ соҳасида бир қанча ислоҳотлар амалга оширилди. Жумлладан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни³⁷ билан ФПКда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари (ажримлари) устидан апелляция шикояти бериш (протести келтириш) тартиби мустаҳкамланди. Бу эса суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширувни қўзғатиш хуқуқига эга бўлган шахслар доирасини бир мунча кенгайтирди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодекси³⁸ қабул қилиниши (2018 йил 22 январь) муносабати билан суд ҳужжатларини қайта кўриш институти янада такомиллаштирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-661-сонли Қонуни билан апелляция ва кассация инстанцияларига ўзгаришлар киритилди, шунингдек назорат инстанцияси эса бекор қилинди, бундан ташқари қайта кассация инстанцияси жорий қилинди³⁹.

Фуқаролик судлари томонидан чиқариладиган процессул ҳужжатларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширув прокурор протести билан ҳам қўзғатилиши мумкин. “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасига кўра, прокурор процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига протест келтиришга ҳақли. Протест келтириш прокурорнинг ваколат

³⁷ “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 й. 14 декабрдаги 163-Ш-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001. 1-2-сон, 11-модда.

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

³⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-661-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон)

доирасидан четга чиқиб кетадиган ҳолларда у протест келтириш тўғрисидаги тақдимнома билан юқори турувчи прокурорга мурожаат этади.

Прокурорнинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция протести, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ажрими устидан берилган хусусий протести, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан берилган кассация протести, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ажрими устидан берилган хусусий протести, апелляция ёхуд кассация тартибида кўриб чиқилган ҳал қилув қарори, ажрим, қарор устидан қайта кассация тартибидаги протести ҳамда қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақида берган аризаси суд ҳужжатининг қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширувнинг қўзғатилишига асос бўлади⁴⁰.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд қарорларига нисбатан ишнинг қандай ҳал этилишидан моддий манфаатдор бўлмаган, зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдек муҳим вазифалар юклатилган прокурорлар томонидан протестларнинг келтирилиши суд қарорларининг қонунийлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 383-моддаси иккинчи қисмига кўра прокурор апелляция протести келтириши мумкинлиги ҳақида норма мустаҳкамланган бўлиб, унга асосан прокурор прокурорнинг иштирокида кўрилган иш бўйича, шунингдек тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция протести келтиришга ҳақли

⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

эканлиги белгиланган. Демак, апелляция инстанциясида прокурор икки кўринишда протест келтириши мумкин, яъни прокурор иштирокида кўрилган ишлар бўлса, иккинчиси эса фуқаролар мурожаати асосида.

Бу иштирокни процессуалист олимлар турлича талқин қилишади. С.В.Моисеев фикрича, “агар прокурор суд жараёни вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса, аммо ишга узрли сабабларсиз қатнашмаган бўлса, у биринчи инстанция судида иштирок эта олмайди, гарчи унинг иштироки қонунда назарда тутилган бўлса-да, у ишда иштирок этувчи шахс сифатида баҳоланмайди ва шунинг учун апелляция ва кассация аризаларини киритиш ҳуқуқига эга эмас”⁴¹. Бу фикр орқали прокурор иштирокини янада чеклашга қаратилган бўлиб, унга асосан прокурорнинг биринчи инстанцияда қатнашиши шарт бўлган ишларда қатнашмаса, апелляцияда қатнашишига тўсқинлик қиласди. Э.Р.Эргашев эса биринчи инстанция судидаги суд мажлисида қатнашмаган прокурор қарорни апелляция, кассация тартибида кўриб чиқиш босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга, деб ҳисоблади.⁴² И.В.Решетникова худди шундай позицияни билдиради, унинг фикрига кўра прокурорнинг протест киритиш ҳуқуқи унинг тегишли инстанция суди мажлисларида иштирокига боғлиқ эмас⁴³. Демак, бу фикрлардан шуни англашимиз мумкинки, прокурорнинг ишда иштирок этиш ёки иштирок этмаслиги унинг қонунийликни таъминлаши учун протест киритишига тўсқинлик қилмайди.

ФПК нинг 385-моддасида апелляция шикоятини (протестини) бериш тартиби келтирилган бўлиб, унга кўра:

⁴¹ Моисеев С.В. Несколько слов об участии прокурора в гражданском процессе // Арбитражный и гражданский процесс. 2003. № 8.

⁴² Ергашев Е.Р. О проблемах правовой регламентации и применения правовых средств прокурора, участвующего в рассмотрении судами гражданских дел // Российский юридический журнал. 2017. № 3. С. 95-102.

⁴³ Решетникова И.В. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации // Вестник гражданского процесса. 2017. № 3. С. 94-115.

- ✓ апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди номига йўлланади, лекин ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни чиқарган судга берилади;
- ✓ апелляция шикояти (протести) судга ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб кўчирма нусхалари билан бирга тақдим этилади, бундан электрон ҳужжат тарзида юбориладиган апелляция шикояти (протести) мустасно.
- ✓ зарур ҳолларда, судья апелляция шикояти берган шахснинг ёки протест келтирган прокурорнинг зиммасига апелляция шикоятига ёхуд протестга илова қилинган ёзма материалларнинг кўчирма нусхаларини ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб тақдим этиш мажбуриятини юклатиши мумкин.⁴⁴

Демак, апелляция протести юқоридаги тартибда берилар экан. Бунда илова қилинадиган ҳужжатларнинг кўчирмаларни иштирокчиларнинг сонига қараб прокурор тақдим этиши лозим, бунда судья шундай мажбуриятни юклashi мумкин.

Алоҳида келтириш шартки, протест келтириш учун қонун билан белгиланган муддатга риоя қилиш жуда муҳим саналади. ФПК нинг 385¹-моддасида апелляция протести муддати бир ой этиб белгиланган. Бу муддатда протест келтириш жуда муҳим, негаки мазкур муддат ўтганидан кейин берилган протест кўрилмайди ва у қайтарилади. ФПК нинг 155-моддасига асосан ўтказиб юборилган муддатнинг тикланиши фақат суд томонидан, агар узрли деб топилган ҳолатдагина тикланади.

Суд эса ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ёхуд тиклашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

Агар муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим чиқарилган бўлса, бу ҳолатда прокурор хусусий протест келтиради, агар асосли деб топилган тақдирда, ажрим бекор қилинади ва муддат тикланади.

ФПК 386-моддасига асосан, протестда қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) протест йўлланаётган суднинг номи;
- 2) протест бераётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), унинг яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили);
- 3) протест келтирилаётган ҳал қилув қарори, қарор ва ушбу суд хужжатларини чиқарган суд;
- 4) ҳал қилув қарорининг, ажримнинг, қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;
- 5) протест бераётган шахснинг илтимоси;
- 6) протестга илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Апелляция протестини прокурор ёки унинг ўринбосари келтиради ва имзолайди.

Апелляция протестида протестни берган шахснинг ёхуд унинг вакилининг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилиши мумкин.

Шунингдек, арелляция тартибида берилган протест апелляция инстанцияси суди номига йўлланади, бироқ протест процессуал хужжат чиқарилган судга берилади.

Агар апелляция протести электрон тарзда юбориладиган бўлса, иштирок этувчилар сонига қараб юборилиши талаб этилмайди, бироқ почта орқали қоғоз нусхада жўнатиладиган бўлса, у ҳолда судга ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб кўчирма нусхалари билан бирга тақдим этилади.

Прокурор томонидан киритилган протест биринчи инстанция суди томонидан барча талабларга риоя қилинганлигини текширилади ва талаб доирасида бўлмаса, протест ҳаракатсиз қолдирилади. Судья томонидан бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар ва тузатиш учун муддат

кўрсатилган ҳолда ажрим чиқарилади. Протест ким томонидан берилган бўлса, унга имзо қўйдирган ҳолда топширилади ёхуд почта орқали ёки электрон тартибда етказилади.

Судья протестдаги камчиликларни бартараф этиш учун тайинланадиган муддатни прокурорнинг протестига қўшиб қўйиш учун зарур маълумотномаларни, ҳужжатларнинг нусхалари ва бошқа ёзма далилларни олишининг реал имкониятини ҳисобга олиб белгилайди⁴⁵.

Бундай ҳолатда прокурор Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 400-моддасига асосан биринчи инстанция судининг ажримлари устидан апелляция тартибида протест келтириши мумкин. Ушбу моддага асосан, кодексда назарда тутилган ҳолатларда, шунингдек суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиласидиган ҳолларда прокурор ажрим устидан протест келтириши белгиланган. протестнинг ҳаракатсиз қолдирилиши эса ўз-ӯзидан кейинги ҳаракатланишга тўсқинлик қиласиди. Шу сабабдан ҳам прокурор протестни ҳаракатдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан хухусий протест келтириши лозим.

Шунингдек, прокурор томонидан ажримдаги камчиликлар кўрсатилган муддатда тузатилса, протест киритилган кунда берилган ҳисобланади, камчиликлар бартараф этилмаса, протест киритилмаган ҳисобланади ва эгасига имзо қўйдириб топширилади ёки почта ёхуд электрон тарзда юборилади.

Агар протест қайтириб олинган такдирда апелляция инстанцияси суди ажрим чиқаради ва иш юритиш тугатилади.

Агар прокурор протестни чақириб олиб, иш тугатилса, аммо бу қарор устидан бошқа шахслар шикоят қилиши ва ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

Апелляция инстанцияси судида суд мұхокамаси ФПК нинг 397-моддасида белгиланғандек, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг “Суд мұхокамаси” деб номланған 22-бобида белгиланған қоидалар бўйича ўтказилади⁴⁶.

Апелляция инстанцияси судининг мажлисида раислик қилувчи ФПКнинг 211 ва 212-моддалариға амал қилган ҳолда, суд мажлисида тегишли тартибни таъминлашга доир зарур чораларни кўради.

Раислик қилувчи суд мажлисими очади ва кимнинг протести бўйича ҳамда қайси суднинг ҳал қилув қарори устидан қандай иш қўрилишини эълон қиласи. Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларнинг қайси бири келмаганлигини, келмаганлик сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини аниқлайди, судга келганларнинг шахсини аниқлайди, шунингдек мансабдор шахсларнинг вакилларнинг ваколатларини текширади.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қиласи, суд мажлисининг котиби, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини эълон қиласи ва ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилишга доир ҳуқуқларини тушунтиради.

Арз қилинган рад қилишлар ФПКнинг “Судьяни ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш” деб номланған 4-бобида белгиланған тартибда ҳал этилади⁴⁷.

Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

Ишни қўриш вақти ва жойи ҳақида белгиланған тартибда хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган ишда иштирок этувчи шахсларнинг бирор-бири суд мажлисига келмаган тақдирда, суд ишнинг мұхокамасини кейинга қолдиради.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

Ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд мажлисига келмаганлиги ишнинг муҳокамасига тўсқинлик қилмайди. Бироқ суд бундай ҳолларда ҳам судга келмаганлик сабабларини узрли деб топиб, ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли.

Прокурорнинг ёки адвокатнинг судга узрли сабабларсиз келмаганлиги тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, бу ҳақда тегишли юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатасининг худудий бошқармаси хузуридаги малака комиссиясига хабар беради.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция инстанция сида ишнинг муҳокамаси билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича илтимосномалари ва аризалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрлари эшитилгандан кейин суд томонидан ҳал этилади.

Апелляция инстанцияси судида ишни кўриш раислик қилувчининг ёки судьялардан бирининг маъruzаси билан бошланади.

Маъruzачи ишнинг ҳолатларини, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг мазмунини, апелляция протестида келтирилган важларни ва улар юзасидан берилган тушунтиришларни (эътиrozларни), янги далилларнинг мазмунини, шунингдек суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш учун суд кўриши зарур бўлган бошқа маълумотларни баён қиласди.

Суд раислик қилувчининг ёки судьялардан бирининг маъruzасидан кейин суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини эшитади, бу шахслар апелля-ция протестида кўрсатилмаган важларни келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим этишга ҳам ҳақли.

Агар иш протест бўйича кўрилаётган бўлса, прокурор сўзга чиқади. Ҳал қилув қарори устидан ҳар иккала тараф томонидан шикоят қилинган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар сўзга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 52-моддасида назарда тутилган тартибда ишда иштирок этувчи давлат бошқаруви органларининг,

ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар, агар улар суднинг ҳужжати устидан шикоят қилмаган бўлса, апелляция инстанцияси судида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзга чиқади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан сўнг прокурор суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги тўғрисида фикрини баён этади, бундан прокурорнинг протести бўйича қайта кўрилаётган суд ҳужжатлари мустасно.⁴⁸

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурор фикри эшитилгандан сўнг апелляция инстанцияси суди ажрим чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киради.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими иш кўрилгандан сўнг дарҳол чиқарилади.

Алоҳида ҳолларда, асослантирилган ажримни тайёрлаш беш кунгача бўлган муддатга кечикирилиши мумкин, бироқ ажримнинг хулоса қисмини суд апелляция муҳокамаси тамом-ланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиши керак.

Судьяларнинг маслаҳатлашуви, ажрим чиқариш ва уни ўқиб эшиттириш Ўзбекистон Республикаси ФПКда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқаролик ишларини кассация тартибида қайта кўриш тартиби худди апелляция тартибида суд қарорларини қайта кўришга ўхшайди. Хусусан, кассация протестларини кўрадиган судлар, кассация протестини бериш тартиби, мазмуни ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар, кассация протестини ҳаракатсиз қолдириш, протестга қўшилиш, протест юзасидан эътиrozлар билдириш, протестни қайтариб олиш, протестларни кўриб чиқадиган судлар, судда протестларни кўриш муддатлари, ишни суд мажлисида кўриш тартиби, судда иш юритишни тўхтатиб туриш шулар жумласидандир.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

Бироқ кассация инстанциясида иш юритиш ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 403-моддасига мувофиқ, тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар суднинг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан у қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичидан кассация тартибида шикоят қилиши ва прокурор протест келтириши мумкин⁴⁹. Шунингдек, кассация инстанцияси судидан фарқли ўлароқ апелляция инстанцияси суди суд хужжатини тўлиқ ҳажмда текшириб чиқиши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-661-сонли Қонунига асосан назорат инстанцияси бекор қилиниб, ишни кассация тартибида такроран кўриш институти киритилди. ФПК 419³-моддага асосан 403-моддасида кўрсатилган шахслар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарларига ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисидаги ариза кассация шикояти (протести) бериш муддати ичидан, мазкур муддат ўтган ҳолларда эса — ажрим қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичидан берилиши мумкин. Ушбу Кодекс 399¹-моддасининг биринчи қисми 4-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд хужжатлари устидан ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест киритишга ҳақли⁵⁰.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-661-сонли Қонуни таҳририда — Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон)

Ишни кассация тартибида такроран кўриш умумий асосларга кўра амалга оширилади.

2.2. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО

ЭТИШ БОСҚИЧИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНинг АЙРИМ

ЖИХАТЛАРИ

Жамиятда янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўлиб боргани сари, қонунчиликда ҳам ўзгаришлар қилиниб борилмоқда, жумладан ижро соҳасида ҳам. Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини илгор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб бормоқда.

Хукм ижросида прокурорнинг роли прокурор назорати фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, зеро жазоларни ва бошқа жиноят-хукуқий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар қонунда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

Хукм ижросида прокуратуранинг яна бир вазифаларидан бири Мажбурий ижро бюроси билан боғлиқ, яъни суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш, ижро иши юритишда сансалорлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларини олдини олиш ушбу бюронинг асосий вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиши тўғрисида”ги 258-II-сонли Қонуни қабул қилинган бўлиб, мазкур қонуннинг 5-моддасида⁵¹ айнан ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари санаб ўтилган.

Ушбу Қонунда белгиланган қоидаларга биноан қуидагилар ижро этилиши лозим:

⁵¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 03/19/586/4106-сон. <https://lex.uz/docs/26477> 09.06.2021

1) фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;

2) жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, шунингдек жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми;

4) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;

5) нотариусларнинг ижро хатлари;

6) меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари;

7) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколатига эга органлар (mansabdor шахслар) чиқарган қарорлар;

8) ҳакамлик судининг қарорлари;

9) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ёки ҳалқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари;

10) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

11) давлат ижроилиарининг ушбу Конунда назарда тутилган ҳоллардаги қарорлари;

12) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Илмий ишимизда мазкур ҳужжатлар ичидан айнан *фуқаролик ишлари низолар бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларининг ижроси масаласи ҳамда ушибу босқичда прокурор иштироки ҳақида сўз боради*.

Дарҳақиқат, фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа

органлар ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш, аҳолининг одил судловга ишончини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қиласи. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишида эса ўз навбатида прокуратура органларининг роли бекиёс ҳисобланади. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларини ижро этиш босқичида прокурор иштироки алоҳида ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2015 йил 28 декабрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишида ҳамда қамоққа олингандарни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат самародорлигини ошириши тўғрисида”ги 128-сонли буйруғининг 1-бандида таъкидлангани каби, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш орқали фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишдан иборат бўлган асосий вазифаларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиши тўғрисида”ги Қонуни ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг бир хилда ижро қилиниши устидан назоратни таъминлашда:

- мажбурий ижро этиш асослари ва чораларининг қонунга мувофиқлигига;
- ундирувни қарздорнинг мол-мулки ёки иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларига қаратишнинг асослилигига;
- қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ва реализация қилиш чораларининг кўрилганлигига;
- қарздорнииг мол-мулки белгиланган тартибда, ошкора ва бозор қийматида ҳаққоний баҳоланиб, реализация қилинганлигига;
- мулкий хусусиятга эга бўлмаган низолар бўйича ижро

хужжатларининг ижро этиш шартларига амал қилинганинига;

- ундирилган пул суммаларини тақсимлаш ва ундирувчи талабларини қаноатлантиришнинг қатъий навбатига риоя этилганлигига⁵² алоҳида эътибор каратилиши белгилаб қўйилган.

Мажбурий ижро этиш асослари ва чораларининг қонунга мувофиқлиги устидан назорат юзасидан прокуратура органлари Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодексининг суд хужжатлари ижросига бағишлиган V бўлими (446-462-моддалар)да ҳамда ижро масалаларига оид бошқа қонунчилик хужжатларида назарда тутилган қоидаларга амалиётнинг мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширади.

Бундан ташқари, фуқаролик процессуал кодексининг 106-моддасида даъвони таъминлаш чораларидан бири сифатида жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулкни ёхуд пул маблағларини хатлаш мажбурияти юкланган бўлиб, мазкур банд ижроси юзасидан юқорида таъкидланганидек прокурор назоратни амалга оширади. Бундай назоратнинг амалга оширилиши мол-мулкнинг заарни қоплашдан қочиш мақсадида мулқдор тасарруфидан бошқа шахслар тасарруфига ўтказилиши, мулкка заар етказилиши ва бошқа бегона таъсирларининг олдини олиш ҳамда иккинчи тарафнинг бузилган хуқуқ ва манфаатларини ўз вактида ва самарали таъминлаш мақсадида амалга оширилади⁵³.

128-сонли буйруқнинг 3.2-бандида белгилаб қўйилгани каби прокуратура органлари ижро хужжатларини рўйхатга олиш, ижро иши юритиши қўзғатиш, ижро ҳаракатларини олиб бориш, тўхтатиш, тамомлаш ва тугатишда белгиланган муддат ва тартибга риоя қилиниши устидан қатъий

⁵² Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси 03/19/586/4106-сон. <https://lex.uz/docs/26477> 09.06.2021

⁵³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

назоратни ҳам таъминлайди.

Дарвоқе, фуқаролик процессуал ҳукуқида ва ижро иш юритувида процессуал муддатлар тушунчаси муҳим ахамият касб этади. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасида мажбурий ижро этиш муддатлари берилган бўлиб, унга кўра:

“Ижро харакатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида давлат ижрочиси томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши керак.

Ижро ҳужжатларининг қўйидаги талаблари дарҳол ижро этилиши керак:

алиментлар ҳамда уч ойдан ошмаган иш ҳақини ундириш тўғрисидаги талаблар;

қонунга хилоф равишда меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки қонунга хилоф равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги, меҳнат шартномасини бекор қилиш асосининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги талаблар;

ижро ҳужжатида баён этилган талаблар дарҳол ижро этилиши ҳужжатда кўрсатилган ёки дарҳол ижро этилиши қонунда назарда тутилган ҳоллардаги бошқа ишларга доир талаблар.⁵⁴

128-сонли буйруқнинг 3.2-бандида дарҳол ижро этилиши белгиланган масалаларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ушбу масалалар рўйхатига юқоридагилардан ташқари майиб бўлганлик ёки соғлиқقا бошкacha тарзда шикаст этиши, шунингдек боқувчиисининг ўлими натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун тўловлар ундириш масаласи ҳам киритилган ва мазкур масалаларга доир талабларнинг ижроси устидан прокуратура органларининг мунтазам назорат ўрнатиши таъкидланган.

⁵⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 03/19/586/4106-сон. <https://lex.uz/docs/26477> 09.06.2021

Демак, прокурор фуқаролик процессуал кодексида дарҳол ижро этилиши лозим бўлган талаблар устидан мунтазам назоратни амалга ошириши шарт. Бунда прокурор томонидан соғлиғи ёки ёшига кўра ҳимояга муҳтоҷ бўлган, ўз хуқуқларини мустақил равишда амалга ошира олмайдиган шахсларнинг манфаатлари ҳимоясининг таъминланишига устувор аҳамият берилади.

Фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ижро этишининг самарали механизмларини жорий этиш, аҳолининг одил судловга ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-ноябрда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиши тизимини янада такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сонли фармони қабул қилинди.

Унга кўра, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларига асосан вояга етмаган фарзандларнинг моддий таъминоти учун алимент пулларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиб-таомиллари устидан қатъий назорат ўрнатиш мақсадида⁵⁵:

а) Бош прокуратура ва Олий суднинг Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизимини яратиш ҳамда алимент мажбуриятлари бўйича алоҳида банк ҳисобварағини очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин;

б) 2021 йил 1 мартдан бошлаб қўйидаги тартиб ўрнатилсин:

ижро ҳужжатлари бўйича алимент мажбуриятларини бажариш қарздорлар томонидан Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади;

⁵⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-ноябрда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиши тизимини янада такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сонли фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон. <https://lex.uz/docs/5124086>. 09.06.2021

Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими алимент мажбуриятлари бўйича алоҳида банк ҳисобвараги билан интеграция қилинади. Бунда Бюро томонидан ижро хужжатлари бўйича ундирувчи (алимент оловучи) номига тегишли банк картаси расмийлаштирилади ҳамда алимент пуллари, шу жумладан қарздорнинг иш хақидан ушлаб қолинган алимент пуллари ушбу алимент мажбуриятлари бўйича алоҳида банк ҳисобвараги орқали мазкур банк картасига ўтказилади.

Ижро иши юритишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини уларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари, фарзандликка оловчилари, васийлари ёки ҳомийлари амалга оширадилар⁵⁶.

Фуқаролик, оиласвий, меҳнат, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан ҳамда олинган иш хақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича суд хужжатлари ва бошқа органларнинг хужжатлари асосида берилган ижро хужжатлари ижро этилаётганда вояга етмаганлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ижро иши юритишда мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

Ўн олти ёшга тўлган, вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинган тақдирда (эмансипация), у ижро иши юритишда мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ва мажбуриятларни бажариши мумкин. Бунда прокурор томонидан соғлиғи ёки ёшига кўра ҳимояга муҳтож бўлган, ўз ҳуқуқларини мустақил равишда амалга ошира олмайдиган шахсларнинг манфаатлари ҳимоясининг таъминланишига устувор аҳамият берилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, прокурор иштироки ижро босқичида ҳам муҳим аҳамият касб этади, негаки прокурор ижрони таъминлашда бевосита иштирок этмаса ҳам, билвосита доим назорат қилиб

⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337> 07.06.2021

борувчи орган ҳисобланади ва ушбу назорат орқали ижро соҳасида қонунийлик, адолатни таъминлайди.

**З-БОБ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ
ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**3.1. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИДА ИШЛАР
КҮРИЛИШИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИННИГ ҚИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ
ТАҲЛИЛИ**

Фуқаролик ишлари күрилишида прокурор иштироки(Франция)

Францияда прокурор ўн учинчи асрнинг охирида Франция қироллари ўзларининг манфаатларини прокурорлар орқали ҳимоя қилишни бошлаганларида пайдо бўлди¹. Орадан бир қанча вақт ўтгач, яъни **1506-йилда** Францияда қабул қилинган “*Прокуратуранинг фаолияти ва уни ташкил этиши тўғрисида*” ги *Қонун* қабул қилинди. Бу эса улкан тарихий жараённинг содир бўлишига сабаб бўлди. Ушбу қабул қилинган қонунда прокурор назоратининг асосий мезонлари белгилаб берилган. Унга кўра:



Прокурорнинг маъмурий-сиёсий характердаги фаолияти.



Тергов устидан назорат.



Суд-хуқуқ фаолияти.

Судларда прокурорлар иштирок этиши айнан шу қонундан кейин вужудга келди.

Франция прокуратураси судда жойлашган, аммо бу Францияда мустақил прокуратура мавжуд эмаслигини ва прокуратура тизими суд тизимиға боғлиқлигини англашмайди. Дарҳақиқат, прокуратура тизими суд тизимидан мустақилдир, прокурорлар судьялардан мустақилдирлар ва прокурорлар кенг

¹ [https://fr.wikipedia.org/wiki/Minist%C3%A8re_public_\(France\)](https://fr.wikipedia.org/wiki/Minist%C3%A8re_public_(France)). 06.02.2021

ваколатларга эга. Нафақат жиноят процессида, балки фуқаролик процессида, маъмурий суд ишларини юритиш ва ҳатточи маъмурий бошқарувда.

Франция прокурорларининг фуқаролик процессида ваколатлари:

Фуқаролик процесси соҳасида икки хил тоифадаги иш бўлиб уларда прокурор, албатта, қатнашиши шарт. Булар:

- 1) жамоат тартибига зиён этказиш;
- 2) қонунларни нотўғри қўллаш.⁵⁷

Ушбу икки турдаги ишларда иштирок этиш Франция фуқаролик прокуратураси тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Биринчи тоифадаги ишда прокурор тараф сифатида қатнашади, яъни фуқаролик даъвосида даъвогар ёки жавобгар бўлади, унинг ҳуқуклари ва мажбуриятлари оддий фуқаролик процесси иштирокчиларидан фарқ қилмайди. Иккинчи тоифадаги ишда прокурорнинг вазифаси томонларнинг баёнотларини эшитгандан сўнг судья адолатли ва бетараф ҳуқуқий хужжат чиқаришини назорат қиласи.

Кўриниб турибдики, прокурорларнинг фуқаролик суд процессларида иштирок этишининг иккита қонуний асоси мавжуд, иккаласи ҳам процессуал талаблар ва аралашув даражаси жиҳатидан мутлақо бир-биридан фарқ қиласи.

Прокурор фуқаролик процессларида Франциянинг «Фуқаролик процессуал кодекси « нинг 422-моддасида прокурорнинг судда ўз ваколати доирасида иштирокчи сифатида қатнашиши белгиланган. Шунингдек, Франция фуқаролик процессуал кодексининг 423-моддасида прокурор иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар келтириб ўтилган бўлиб, улар куйидагилар:

Ота-оналик, вояга етмаганларга васий ва ҳомий тайинлаш билан боғлиқ ишлар, болаларни Халқаро ва Европа Иттифоқи хужжатларига зид равища, ноқонуний ўтказиш каби ишларда.

⁵⁷ <https://www.legifrance.gouv.fr/>

Бундан ташқари, компанияларни тугатиш, уларни ҳимоя қилиш, банкрот деб топиш, компания директорларининг моддий жавобгарлиги, шунингдек, Тижорат кодексининг 653-8-моддасида назарда тутилган таъкиларга оид ишларда.

Шунингдек, Франция Фуқаролик кодекси I боб IV бўлими 29-29-5-моддаларида да прокурорнинг миллий низоларга оид ишларда қатнашиши белгилаб қўйилган.⁵⁸

Шуни таъкидлаш керакки, Франция фуқаролиги тўғрисидаги кодекс прокурорларга миллатига оид низолар бўйича суд жараёнларида, айниқса муҳим хуқуқларни беради. Бундан ташқари, корпоратив қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги тегишли қонунлар прокуратура органлари учун жуда кўп жой ажратган. Ривожланиш тенденциялари нуктаи назаридан прокурорнинг асосий томон сифатида фуқаролик процессларида қатнашиш механизми доимий равища мустаҳкамланиб борилмоқда ва иштирок этиш доираси ҳам доимий равища кенгайиб бормоқда.

Бундан ташқари, Франциянинг Фуқаролик процессуал кодексининг 423-моддасида «қонунчиликдаги маҳсус қоидалар бундан мустасно, агар жамоат тартибига халақит берадиган факт мавжуд бўлса, прокуратура жамоат тартибини сақлаш учун суд ишларини бошлиши мумкин « деб таъкидланган.

Шунинг учун прокурорнинг даъвоси қонунда белгиланган маҳсус ҳолатлар билан чекланиб қолмайди. Бироқ, прокурор суд ишларини юритиш хуқуқини ўз хоҳишига кўра ишлатмайди, балки уни «жамоат манфаатлари ёки юқори синф манфаатларига тўсқинлик қиласиган факт мавжудлигини « исботлаш асосида амалга ошириши керак.

Прокурорлар фуқаролик процессларида қўшма партиялар сифатида қатнашадилар.

Франция прокурорлари маъмурий ва суд хусусиятларига эга. Биринчиси, асосан, «буйруқ ва бўйсунувчиларга кўра « ҳокимият таркибида,

⁵⁸ <https://www.legifrance.gouv.fr/>

иккинчиси асосан фуқаролик суд процессларида «қонун қўриқчиси « нинг ўзига хос мақомида акс этади. Маълум маънода прокуратура ҳокимияти ва фуқаролик суд процессида суд ҳокимияти маълум даражада яқинлашишга эга ва иккаласи ҳам суд қарорлари ва қонунларни қўллашда бир хил ваколатни амалга оширади. Шунинг учун прокуратура судьянинг қарама-қарши томонларининг баёнотларини эшитгандан сўнг бошқа адолатли ва бетараф ҳукуқий хужжат чиқариши, қонунни тўғри қўллаш учун асос сифатида фойдаланиши судьяга суд жараёни учун қимматли маълумотномаларни тақдим этиши ва бериши мумкин. Бу эса судда ноқонуний ва асосиз хужжатлар чиқишининг олдини олади.

Прокурорлар ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, фуқаролик процессларида қўшма тараф сифатида қатнашиш ҳукуқига эга. Аслида прокурорларнинг фуқаролик процессида қўшма томонлар сифатида иштирок этиши Франция фуқаролик прокуратураси тизимининг энг кенг тарқалган усули ҳисобланади. Франциянинг «Фуқаролик процессуал кодекси « нинг 424-моддасида «прокурор унга билдирилган ишда қонунни қўллаш бўйича хulosалар билдиради, ҳозирги пайтда прокурор суд жараёнларида қўшма тараф сифатида иштирок этади «.⁵⁹ Фикрлар ёзма ёки оғзаки шаклда илгари сурилиши мумкин. Биринчи ҳолда, прокуратура судга ёзма хulosаларни тақдим этади ва ушбу ёзма хulosаларни томонларга тақдим этади.

Иккинчи ҳолатда, прокурор судда хulosани оғзаки тушунтириди. Шу билан бирга, муайян маҳсус ҳолатларда прокурор ёзма хulosани тақдим этиши ёки судда хulosани оғзаки тушунтириши керак.

Жисмоний шахслар ўртасидаги келишмовчиликлар бўйича маслаҳат бериш учун прокурор иш тўғрисида хабардор қилиниши керак. Прокуратура хабарномаларини қандай олишлари тўғрисида, қонун ҳар хил вазиятларга қараб ҳар хил меъёрий хужжатларни ишлаб чиқади. (1) «Мажбурий аралашув

⁵⁹ <https://www.legifrance.gouv.fr/>

«ва мажбурий билдиришнома. Яъни, прокурор тарафлардан фуқаролик даъвосига аралашишни сўраши шарт эмас, қонунда кўрсатилган ёки судья прокурорнинг хulosасини олиш тўғрисида қарор қабул қилгандан сўнг, прокурор фуқаролик даъвосига мажбурий равишда аралашиши мумкин. Айни пайтда материалларни хабардор қилиш ва прокурорнинг хulosаси қонуний қарор қабул қилиш учун зарур шарт-шароитга айланди.

Мажбурий хабарномани икки турга бўлиш мумкин: қонуний хабарнома ва суд хабарномаси. Биринчиси қонуний қоидаларга асосланган мажбурий билдиришнома, иккинчиси эса судьянинг ажримига асосан мажбурий билдиришнома. (2) Ихтиёрий аралашув. Ихтиёрий аралашув биринчи инстанция ва апелляция судида бўлади.⁶⁰

Франциянинг «Фуқаролик процессуал кодекси « нинг 426-моддасида «прокурор процессда иштирок этиши керак деб ҳисоблаган бошқа ишлар тўғрисида ҳам билиб олиши мумкин ». Шунинг учун прокурор ҳеч қандай шартларсиз «фуқаролик суд ишлариға фаол аралашиш « хуқуқига эга бўлиши мумкин. Шу сабабли, баъзи француз олимлари «(фуқаролик суд ишларида) суд эшиги тараф бўлган прокурор учун хар доим очиқ « деб ҳисоблашади.

Фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштироки(АҚШ)

Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир прокуратура идорасида ва Адлия вазирлигининг бир қатор таркибий тузилмаларида хуқуқшунослар фаолият кўрсатади. Уларнинг асосий вазифаси фуқаролик ишларида АҚШ хукумати номидан вакиллик қилишдир. Америка Қўшма Штатлари кўпинча қўйидаги ҳоллардан бирида фуқаролик иши бўйича тараф ҳисобланади:

1) бирор-бир жисмоний шахс ёки юридик шахс вакили давлат идорасининг ўз мажбуриятини бажармаганлиги ёки мансабдор шахс ёки давлат идораси томонидан қонунга хилоф қарор қилинганлиги муносабати билан шикоят қилганида (бунда хукумат иш бўйича жавобгар сифатида

⁶⁰<https://www.legifrance.gouv.fr/>

иштирок этганлиги сабабли прокурор ҳукумат номидан ҳимоя позициясида вакиллик қиласы);

2) ҳукумат бирор-бир шахс ёки ташкилотдан қарздорликни ундириш юзасидан даъво қиласа ёки бирор-бир шахс ёки ташкилот қонунда белгиланган мажбуриятларини бузса ёхуд қонунда назарда тутилган меъёрларга амал қилмаса (иш бўйича ҳукумат даъвогар бўлганлиги сабабли бу жараён тасдиқловчи фуқаролик ҳукуқни қўллаш деб аталади)⁶¹.

Ушбу фуқаролик даъволари федерал судга тақдим этилган барча бошқа барча даъволар сингари, Фуқаролик процессининг федерал қоидалари билан тартибга солинади ва федерал моддий ҳукуқ нормалари, хусусан, АҚШ Конституцияси, федерал қонунлар ва норматив ҳужжатлар талабларига асосланади. Фуқаролик иши даъво аризасининг АҚШ округ судига топширилган вақтдан эътиборан бошланади. Шундан сўнг жавобгар даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида илтимоснома (процессуал ёки ҳукуқий камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли) билан мурожаат қилиши ёки даъво юзасидан жавоб бериши (жавоб деб номланувчи ҳужжат шаклида) лозим. Агар суд томонидан даъвогарнинг даъво аризаси қабул қилинса, жавобгар албатта жавоб хати ёзиши лозим.

Шундан сўнг, фуқаролик иши бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш босқичи бошланади. Бу шундай жараёнки, унда иккала тараф адвокатлари даъво талабларига тегишли бўлган барча зарур ахборотни бир-бирларига тақдим этишлари лозим. Мураккаб ишларда тақдим этиладиган ахборот минглаб ҳужжатларни ўз ичига олиши мумкин. Шунингдек, ҳар иккала тарафга потенциал гувоҳларни қасамёд остида сўроқ қилишга рухсат берилади. Бу босқич “депозит”, яъни, “иш материалларига қўшиладиган, қасамёд остида олинган кўргазмалар” деб аталади. Барча депозит кўргазмалар ёзиб олинади.

⁶¹https://go.lexisnexis.com/statenet?access=15418315091&treatcd=15440990276&source=google&medium=cpc&campaign=SB_StateNet_Legislative/Federal&keyword=federal%20legislative&keyword=federal%20legislative&gclid=Cj0KCQjwzYGBhCTARIIsAHdMTQwu8D2gGPn2wUhejjmcbdQ3SHtYD3RtdwddpxfXmsPjpKH0EJnlMzAaAufIEALw_wcB

Бунда ҳар икки тараф гувоҳга саволлар бериши мумкин. Бу жараён суд залида эмас, балки мунозара хонасида судьянинг иштирокисиз, факатгина даъвогар ва жавобгар адвокатлари, гувоҳ ва суд котиби иштирокида бўлиб ўтади⁶².

Ушбу очиқлаш жараёни тугаганидан сўнг бир тараф ёки ҳар иккала тараф соддалаштирилган суд тартибида қарор чиқариш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, суддан низоли масалалар мавжуд эмаслиги сабабли, ишни суд муҳокамаси ўтказмасдан туриб мурожаат этувчи томон фойдасига суммар қарор (summary judgement) чиқарилишини сўрайди.

Ушбу улкан ҳажмдаги илтимоснома ва жавоблар мураккаб ҳуқуқий масалалар ва таҳлиллар баён этилган, кўплаб иловаларни ўз ичига олган ҳужжатларда ифодаланади. Кўпинча судья адвокатларнинг суммар қарор чиқариш тўғрисидаги илтимосларга асосланиб, уларнинг ҳуқуқий талабларини эшитиш ва улар бўйича саволлар бериш мақсадида суд эшитувларини амалга оширади.⁶³

Агар судья соддалаштирилган суд тартибида қарор (суммар қарор) чиқара олмаса, у суд муҳокамаси кунини белгилайди. Суд муҳокамасидан сўнг ҳар икки тараф суд қарори устидан аппеляция шикояти бериши мумкин. Америка Кўшма Штатлари ҳукумати ёки унинг расмий идораларидан бири тараф (фуқаровий даъвогар ёки жавобгар) тариқасида иштирок этган фуқаролик суд ишларида прокурор суднинг барча босқичларида давлат вакили сифатида иштирок этади.

1. Тасдиқловчи фуқаролик ҳуқуқни қўллаш тартиби

Федерал прокурорлар иштирок этадиган тасдиқловчи фуқаролик ишларининг шакллари хилма-хилдир: улар қарзни ундиришдан тортиб

⁶² М.Б.Дўстқориев, Г.Уэддл, С.С.Мамадалиев. Америка Кўшма Штатлари ва Ўзбекистонда прокуратура органлари//–Тошкент, 2020. –46 бет.

⁶³https://go.lexisnexis.com/statenet?access=15418315091&treatcd=15440990276&source=google&medium=cpc&campaign=SB_StateNet_Legislative/Federal&keyword=federal%20legislative&keyword=federal%20legislative&gclid=Cj0KCQjwzYGGhCTARIIsAHdMTQwu8D2gGPn2wUhejjmcbdQ3SHtYD3RtdwddpxfXmsPjpKH0EJnlMzAaAufIEALw_wcB

(масалан, давлат қарзларини ундириш бўйича), молиявий жарималарни кўллаш талаб этиладиган талаблар, суд томонидан тақиқ қўйишни кўзда тутадиган талаблар (суддан иккинчи тараф бирор-бир ҳаракатни амалга оширишини тақиқлаш ёки тўхтатишини сўраб қилинган талаблар) ва фуқаролик ҳаракатларининг бошқа кўплаб турларини ўз ичига олади.

Ушбу фуқаролик даъво талабларининг баъзилари ҳам моддий, ҳам номоддий тусдаги арзларни ўз ичига оладиган ўта мураккаб ишлар бўлиши мумкин: масалан, йирик саноат корхоналари томонидан ҳавони ифлослантирувчи ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисидаги даъволар.⁶⁴ Бундай ҳолатларда, фуқаролик ишлари бўйича прокурор ваколатини қўллаб-куватлайдиган ходим кўпинча Адлия вазирлиги ёки бошқа федерал идораларнинг маҳсус билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассислари билан ҳамкорлик қиласи. Масалан, кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи корхонадан тақиқланган моддаларни яқин атрофдаги кўлга тўкишини тўхтатиш, компаниядан етказилган заарни қоплашни ва ноқонуний чиқинди учун молиявий жаримани ундириш ҳақидаги жиддий экологик масалаларга оид ишларда прокурорлар Атроф-мухитни муҳофаза қилиш агентлиги ёки Адлия вазирлигининг Атроф-мухит ва табиий ресурслар бошқармасидаги мутахассислар билан ишлайдилар.

2. Ҳимоявий характердаги фуқаролик суд ишлари

Фуқаролар ва ташкилотлар мунтазам равишида Кўшма Штатлар ҳукуматига қарши фуқаролик даъволарини қўзғатиб туришади. Ушбу даъволарнинг доираси жуда кенг бўлиб, улар сирасига ҳукумат хизматчиси ва бошқа ходимларнинг айби билан етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги даъволар, давлат идоралари томонидан ишга қабул қилишда камситишга йўл қўйилганлиги тўғрисидаги даъво аризалари, давлат идоралари томонидан шахсларнинг фуқаролик ҳуқуqlари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар ва

⁶⁴<http://www.thomas.loc.gov/>

давлат идорасининг у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш ёки уни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаш талаб этилган даъво аризалари киради. Ушбу суд жараёнларида АҚШнинг фуқаролик ишлари бўйича прокурори қарши даъво қўзғатилган давлат идораси манфаатларини ҳимоя қилиб, ишда жавобгар вакили сифатида иштирок этади.⁶⁵ Тасдиқловчи фуқаролик суд ишларида бўлгани каби, прокурор ёрдамчиси бу тоифадаги ишларда хам Адлия вазирлигининг тегишли судлов тузилмаси хуқуқшунослари билан ҳамкорликда ишлайди.

Хитой Халқ Республикасида фуқаролик процессида прокурор иштироки

Хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиб борар эканмиз, Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида прокурор ваколатлари анчайин кенг эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Хитой Халқ Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 14-моддасида Халқ прокуратураси фуқаролик процесслари устидан хуқуқий назоратни амалга ошириш хуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган⁶⁶. Демак, Хитойда прокуратура адолатни, қонунийликни таъминлаш учун фуқаролик процесслари устидан назоратни амалга оширади.

Шунингдек, «Халқ прокуратураси фуқаролик процессуал назорати қоидалари (суд мажлисини амалга ошириш учун)» ва «Халқ процессуал прокурор назорати ишларини қўриб чиқиши билан боғлиқ бир неча масалалар бўйича мажлис баённомаси» Олий халқ суди ва Олий халқ Прокуратура, прокурорлар қайта қўриш босқичида нафақат қонуний суд қарорлари натижаларини назорат қилиш учун, балки қўшимча суд иши устидан назоратни амалга ошириш зарур, агар суд мажлиси фаолияти ноқонуний деб топилса, суд танаффус қиласи ёки суд жараёни тугайди ва прокуратура хулоса беради. Ушбу фуқаролик назорати функцияси фуқаролик прокурорлари

⁶⁵ М.Б.Дўстқориев, Г.Уэдл, С.С.Мамадалиев. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистонда прокуратура органлари//–Тошкент, 2020. –48 бет.

⁶⁶ <https://zqyj.chinalaw.gov.cn/>

суднинг суд мажлисидаги ноқонуний вазиятни назорат қилиш тўғрисида қайта кўриб чиқиш тарафнинг аризасини кутиш ўрнига, ноқонуний хатти-ҳаракатларни аниқлаш учун протестларни қайта кўриб чиқишида тўлиқ иштирок этиши кераклигини белгилайди. Суд муҳокамасида қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширади.

Бундан ташқари 55-моддасида атроф-муҳитни ифлослантириш ва кўплаб истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига тажовуз қилиш каби жамоат манфаатларига зарар етказадиган хатти-ҳаракатлар учун идоралар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли ташкилотлар халқ судлари (фуқаролик судлари)га даъво қўзғалиши мумкин⁶⁷.

Агар Халқ прокуратураси ўз вазифаларини бажараётганда экологик муҳитга ва ресурсларни муҳофаза қилишга зарар етказадиган ва кўплаб истеъмолчиларнинг озиқ-овқат ва гиёхванд моддалар хавфсизлиги соҳасидаги қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини бузадиган ва бошқа манфаатларга зарар етказадиган ҳаракатларни аниқлаганида, агар олдинги хатбошида кўрсатилган ташкилотлар даъво қўзғатмаса, прокурор даъво ишини қўзғатишига ҳақли. Бунда даъво аризаси фуқаролик судларига берилади. Агар тегишли орган ёки ташкилот даъво билан мурожаат қилганида, Халқ прокуратураси суд ишини кўллаб-куватлаши мумкин.

Хитой Халқ Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси XII боби айнан халқ прокурорининг фуқаролик процессларида иштирокига бағишиланади. ФПК 119-моддага асосан биринчи инстанцияда прокурор даъво ариза киритиш жараёнида нималарга эътибор қаратиши лозимлиги белгиланган. Унга кўра,

- 1) даъвогар - бу ишда бевосита манфаатдор бўлган фуқаро, юридик шахс ёки бошқа ташкилот;
- 2) аниқ жавобгарнинг мавжудлиги;

⁶⁷ <http://search.chinalaw.gov.cn/>

3) далиллар ва фактларнинг мавжуд;

4) халқ судларига тааллуқлиги.

ХХР ФПК 120-моддасида даъво ариза лойиҳаси халқ судига, нусхалари эса жавобгарлар сонига қараб тақдим этилади. Агар чиндан ҳам даъво ариза лойиҳасини ёзиш қийин бўлса, оғзаки равишда шикоят мумкин, халқ суди уни ёзиб, томонларга хабар беради⁶⁸.

121-моддага асосан, даъво аризасида қуидагилар кўрсатилиши керак:

1) даъвогарнинг исми, фамилияси, отасининг исми, жинси, ёши, миллати, касби, яшаш жойи ва боғлниш учун маълумотлар, юридик шахснинг ёки бошқа ташкилотнинг исми ва яшаш жойи, қонуний вакил ёки масъул шахснинг исми, лавозими ва боғлниш учун маълумотлар;

2) жавобгарнинг исми, фамилияси, отасининг исми, жинси, яшаш жойи ва бошқа маълумотлар, шунингдек юридик шахс ёки бошқа ташкилотнинг номи ва жойлашган ери;

3) даъво аризаси ва унга асосланган фактлар ва далиллар;

4) далиллар, далиллар манбаи, гувоҳ ва у ҳақида маълумотлар.⁶⁹

ХХР ФПК 122-моддасида аввал медиация чоралари кўрилиши кераклиги белгиланган. Бунда албатта, тарафлар розилигига эътибор қаратиш лозим. 123-моддасида Халқ суди тарафларнинг қонунга мувофиқ даъво қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиши белгиланган. Ушбу кодекснинг 119-моддасига мувофиқ фуқаролик иши иш юритувига қабул қилиниши керак. Кодекс талабларига жавоб берадиган даъво аризалари етти кун ичida фуқаролик иши қўзғатилади, агар талаб даражасида бўлмаса, аризани қабул қилмаслик тўғрисида ажрим чиқарилади. Ажримдар норози томон эса апелляция инстанциясига мурожаат этиш ҳуқуқи мавжуд.

⁶⁸ <http://www.moj.gov.cn/>

⁶⁹ <http://www.moj.gov.cn/>

208-модда. Олий халқ прокуратураси барча даражадаги халқ судларига протест кириши ҳуқуқига эга, агар уларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланса. Бундан ташқари барча даражадаги маҳаллий халқ прокуратуралари ушбу кодекснинг 200-моддасида назарда тутилган ҳолатлардан бирини топса, ёки чиқарилган процессуал ҳужжат давлат ёки жамоат манфаатларига заар етказишини аниқласа, халқ судларига бир хил даражада мурожаат қилишлари ва протест келтириши мумкин.

209-моддада эса Қуйидаги ҳолатлардан бирортасида тарафлар прокурор фикри ёки протести учун Халқ прокуратурасига мурожаат қилишлари мумкин:

- 1) Халқ суди қайта кўриб чиқиш аризасини рад этганда;
- 2) Халқ суди қайта кўриб чиқилган ариза бўйича белгиланган муддат ичida ажрим чиқармаган бўлса;
- 3) Қайта кўриб чиқилган ҳукм ёки ажримнинг қонунга хилофлиги кўриниб турган бўлса.

Халқ прокуратураси уч ой ичida аризани кўриб чиқади ва прокурор фикри ёки протестини бериш тўғрисида қарор қабул қиласи.

210-моддада эса Халқ прокуратураси юридик назорат вазифаларини бажаришда прокурор фикри ёки протест билдириш зарурати туғилганда, ишдан ташқари томонлар ёки шахслар билан боғлиқ вазиятни текшириши мумкин. 211-моддада эса Халқ прокуратураси протест келтирган ҳолларда, протестни қабул қилган халқ суди протест келиб тушган кундан бошлаб 30 кун ичida протестни кўриб чиқиши керак. Қуйи судларга ўрганиш учун жўнатилган протестларга бу муддат татбиқ этилмайди. 212-моддада эса Халқ прокуратураси Халқ судининг ҳукмига, ажримига ёки бошқа процессуал ҳужжатига норозилик билдиришга қарор қилса, ёзма протест тайёрлайди⁷⁰.

⁷⁰ <http://www.moj.gov.cn/>

Яна бир қизиқ жиҳати шундаки, 235-моддасида Халқ прокуратураси фуқаролик ижрои фаолияти устидан ҳуқуқий назоратни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги хусусида норма мустаҳкамланган. Халқ прокуратурасининг фуқаролик суд процесслари ва ижро этувчи фаолиятига ҳуқуқий назорати хитойлик хусусиятларга эга бўлган социалистик прокуратура тизимининг муҳим қисмидир ва суд тизимининг ўзига хос хусусиятидир. 2012 йилда Фуқаролик процессуал қонуни прокуратура органлари томонидан фуқаролик суд процесслари, шу жумладан суд ходимларининг ноқонуний фаолияти, ижро этувчи фаолияти ва воситачилик ҳужжатлари устидан прокуратура назорати доирасидаги ҳуқуқий назоратни янада такомиллаштириш ва прокуратура каби янги назорат усуллари ва чораларини такомиллаштириш мақсадида кўриб чиқилди.

Ҳуқуқий назорат вазифалари суд адолати ва ваколатларини сақлашга интилади, шунда одамлар ҳар қандай фуқаролик прокуратураси назорати ишларида адолатни таъминлаши лозим.

Сўнгги йилларда прокуратура органлари томонидан қабул қилинган фуқаролик шикоятлари бўйича ишларнинг сони ортиши давом этиб, жиной соҳадаги аризалардан ортиб бормоқда. 2013 йил январидан 2017 йил декабрига қадар бутун мамлакат бўйлаб прокуратура органлари қонун билан боғлиқ жами 1,72 миллион мурожаатларни қабул қилишди, улардан 650 000 таси фуқаролик мурожаатлари бўлиб, 37,8% ни ташкил этди; жиной мурожаат 597 000 та бўлиб, 34,7% ни ташкил этди. 2018 йилнинг январидан сентябригacha 95000 та фуқаролик мурожаатлари келиб тушди, бу ҳар хил турдаги суд даъволари билан боғлиқ мурожаатларнинг умумий сонининг 40,4% ини ташкил этди, бу 2012 йилдагига нисбатан 18,6 фоизга кўпдир⁷¹.

Барча даражадаги прокуратура органлари Конституция ва қонунлар томонидан ишониб топширилган мажбуриятларни ёдда тутадилар, халқнинг янги талаблариiga амал қиласидилар, суд ишларини кўриб чиқишга эътиборни

⁷¹ <http://www.nc.gov.cn/ncsfj/ggfl/202011/037ff6b878e943fd9c497c6601b3be02.shtml>

қаратишни талаб қиласылар, фуқаролик судларининг самарали қарорлари, воситачилик ҳужжатлари ва суд жараёни ва ижро этувчи фаолият ва фуқаролик прокуратураси назоратининг диверсификацияланган тартибини шакллантириш. 2013 йил январидан 2018 йил сентябрига қадар жами 579 минг турли хил турдаги фуқаролик мурожаатларини назорат қилиш ишлари қўриб чиқилди, шундан 271 минг нафари норозилик ва прокурор фикри билан кўтарилди.

Мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган жиноий ишларни ҳал қилиш тўғрисидаги хабарномада содир этилган жиноят ишларида, масалан, капитални ўтказиш, хусусий қарз бериш, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва олди-сотди шартномалари билан боғлиқ фуқаролик шикоятларини қўриб чиқишига қаратилган. Интеллектуал мулк билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича прокурор назоратини кучайтириш, ишларни қўриб чиқишининг профессионал механизмини яратиш ва илмий-техникавий инновациялар субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ногирон гуруҳларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш кучайтирилди ва меҳнат муҳожирлари ва ногиронлар томонидан жами 68911 та фуқаролик даъволари қўзғатилди. 2018 йилда баҳор байрами олдидан меҳнат муҳожирларининг иш ҳақи муаммосини ҳал қилишда ёрдам бериш учун икки ойлик маҳсус назоратни йўлга қўйилди, 5566 меҳнат муҳожирини фуқаролик даъволари билан мурожаат қилишда қўллаб-кувватланди ва 46,05 миллион юандан қўпроқ меҳнатга товон пули тўлашга ёрдам берилди.

Тўғридан-тўғри қайта иш юритиш жараёнини бошлиш учун норозилик функциясини тўлиқ бажариш ва фуқаролик суд қарорлари, ажримлари ва воситачилик ҳужжатларига нисбатан 21795 та протест келтирди ва суднинг дастлабки қарори қайта қўриб чиқилиши учун жўнатилди ва 12113 та иш бекор қилинди. Қайта қўриб чиқиш ўзгариши даражаси 76,1% ни ташкил этди.⁷²

⁷²http://ws.cq.gov.cn/zwxx_165/bmjz/202007/t20200701_7630546_wap.html

Сохта даъволар устидан назоратни доимий равишда амалга ошириш юзасидан бтр қанча ишлар амалга оширилди. Хусусий қарз бериш, қарзларни тўлаш ва ноқонуний имтиёзларни олиш учун корпоратив банкротлик каби соҳаларда хаёлий фактлар билан «сохта даъволар» масаласига жавобан, фуқароларнинг ёлғон суд ишларини юритиш бўйича маҳсус назорат фаолияти 2015 йилдан бери амалга оширилмоқда, чунки «кatta - катта миқдордаги фирибгарликлар «кўплаб одамларни жалб қилган ҳолда воситачилик хизматлари агентликлари билан» фирибгарлар судга ёки прокуратурага жами 5178 та сохта даъво аризалари киритилган ва суд жараёни ва суд ҳокимияти тартибини сақлашга ҳаракат қилинган. Сохта суд ишларида гумон қилинган жиноятлар учун жамоат хавфсизлиги органлари зудлик билан ишни терговга топширишга чақирилди ва 799 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳеилонгжианг вилоятидаги Линкоу округининг прокуратураси 6,2 миллион юандан кўпроқ маблағ миқдоридаги хаёлий қарзлар ва ҳакамлик судларининг 128 та ишини кўриб чиқди, жиноят содир этганликда гумон қилинганларга оид маълумотни жамоат хавфсизлиги органларига ўтказди ва судга қайта кўриб чиқиш ва прокурорлик тавсияларини берди.

Хубей провинциясининг Йичанг шаҳрининг прокуратура органи учта судя 78 та фуқаролик воситачилиги хужжатлари, 13 та фуқаролик суд қарорлари ва 13 та ижро қарорларини ишлаб чиқариш учун бошқа иш рақамлари ёки уйдирма иш рақамларидан фойдаланганлигини аниқлади. Бошқаларга харидларни чеклаш сиёсатини четлаб ўтиш, уйларни рўйхатдан ўтказиш, пора олишдан кейин прокуратура органлари қонун хужжатларига мувофиқ тергов учун иш қўзғайдилар ва жиноий жавобгарликни ўз зиммаларига олишади. Жорий йилнинг 27 сентябрида «икки юқори даражадаги» фирибгарлар томонидан ёлғон суд ишларини юритишда қонунчиликни қўллаш, сохта суд процесслари учун судланганлик ва жазо стандартларини янада аниқлаштириш ва жазони кучайтириш бўйича маҳсус тушунтириш берилди.

Барча даражадаги судлар прокуратура органлари устидан юридик назоратни фаол равища қўллаб-қувватлайди ва онгли равища қабул қиласди, прокуратура органлари норозилик билдирган фуқаролик ишларини қонун асосида кўриб чиқади ва прокуратура таклифларига тўлиқ эътибор беради.

Хусусан, Олий халқ прокуратураси қонунларнинг қўлланилиши нотўғри бўлган, айникса муҳим бўлган типик ишларга норозилик билдиришга эътибор қаратиши ва барча даражадаги судларнинг қарорларини қабул қилишда Олий халқ судини етакчи рол ўйнашига қўмаклашиши белгиланган. Ўтган йилнинг январидан сентябригача прокуратура органлари томонидан мамлакат бўйлаб 2333 фуқаролик норозилик иши бўлиб, ўтган йилга нисбатан 7,4 фоизга ўсган, улар фуқаролик ишлари бўйича прокуратура томонидан фуқароларнинг ишларини қайта кўриб чиқишида 2219 та хulosалар беришган ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 14,8 фоизга ўсган.⁷³

Шундай қилиб, бугунги кунда Хитойда фуқаролик процесси ва ижро соҳасида жуда кўплаб ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Ушбу давлатда бугунги кунда прокуратура ролини жамиятда янада ошириш, халқ ишончига сазовор давлатга айлантириш ва шу орқали мамлакатда қонунчиликнинг мустаҳкамланишига эришиш энг асосий мақсади сифатида белгиланган.

⁷³<http://zwfw.sd.gov.cn/sdzw/front/ggfw/details.do?rowguid=>

Европа Кенгашининг прокуратура органларининг жиноий ҳуқуқдан ташқаридаги соҳалардаги тавсиялари

Инсон ҳуқуqlари бўйича Европа Конвенцияси 1953 йил 3 сентябрида кучга кирган. Унда ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ қилиб мустаҳкамланган. Европа прокурорларининг маслаҳат Кенгashi (КСЕП) европа Кенгashi Вазирлар Кенгashi томонидан 2005 йил 13 июлда прокурага оид масалалар бўйича хулосалар тайёрлаш мақсадида тузилган.

Маслаҳатчи огран хисобланган Европа Кенгashi Парламент Ассамблеяси (ПАСЕ) ўзининг 1604-сонли “Қонунлар устуворлигига асосланган демократик жамиятда прокуратура роли хақида” ги Тавсиясида прокуратурада фақат жиноий ҳуқуқий соҳага хос ваколатлар сақланиб қолиши хусусида тавсия берган эди⁷⁴. Бироқ, раҳбарий орган томонидан 2004 йил 4 февралдаги қарорига асосан ушбу тавсия тасдиқланмайди. Бу Тавсиянинг тасдиқланмаслигига сабаб қилиб ҳар бир давлатнинг прокуратура тузилиши турлича эканлиги, бундан ташқари бу уларнинг ҳуқуқий анъаналари билан боғлиқ эканлиги ва энг муҳими жиноий ҳуқуқий соҳадан ташқаридан бўлган функцияларини тўхтатиш учун асос йўқ эканлигини ҳам кўрсатиб ўтишган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгашининг маслаҳат органи 1990 йилда ташкил этилган Венеция комиссияси ўзининг 2005 йил 10-11 июнларда ўтказилган 63-пленар мажлисида прокуратура органларининг жиноий ҳуқуқ соҳасидадан ташқаридаги ваколатларини таъминлашнинг бир қатор принципларини белгилаб берган эди. Улар қуйидагилар:

- ✓ прокурорнинг фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий соҳасидаги ваколатлари давлатнинг тарихий ва маданий анъаналари, иқтисодий сабаблар ҳамда самарадорлик нуқтаи назаридан зарур бўлганда;

⁷⁴ Recommendation CM/Rec(2012)11 on the role of public prosecutors outside the criminal justice system, adopted by the Committee of Ministers of the Council of Europe on 19 September 2012, was prepared by the Group of Specialists on the Role of Public Prosecutors outside the Criminal Field (CJ-S-PR)1 under the authority of the European Committee on Legal Co-operation (CDCJ). <https://rm.coe.int/16807096c5> 20.02.2021

- ✓ прокурор фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд иштирокчиси бўлиши мумкин, қачонки прокуратура органларининг мақсад ва вазифаларини бошқа усуллар билан таъминлаб бўлмаганда, бироқ бунда ҳар қандай ҳолатда ҳам прокурорнинг иштироки судда устун мавқега эга бўлмаслиги лозим;
- ✓ қонунийлик принципи, прокурор қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд процессида даъво қўзғатиш, бошланган суд процессиага кириб келиш, ҳуқуқий ҳимоя чораларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши⁷⁵;
- ✓ мақсадлилик принципи, қачонки прокурорнинг фуқаролик иқтисодий ва маъмурий суд процессларидағи иштирокчи тан олинган асосли мақсад билан боғлиқ бўлса;
- ✓ давлат манфаатларини ҳимоя қилиш принципда прокурорнинг фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд процессларидағи иштироки қонунчилик билан белгиланган давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлса;
- ✓ оммавий манфаатлар принципи, қачонки прокурорник фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд процессларидағи иштироки давлат манфаатларидан ташқари, оммавий манфаатларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлса;
- ✓ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципи, унга кўра прокурорнинг фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд процессларидағи иштироки аҳоли алоҳида қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлса;
- ✓ тарафларнинг процессуал тенглиги принципи, кўра прокурор тарафлар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиши лозимлиги, прокурор ҳар қандай

⁷⁵ Recommendation CM/Rec(2012)11 on the role of public prosecutors outside the criminal justice system, adopted by the Committee of Ministers of the Council of Europe on 19 September 2012, was prepared by the Group of Specialists on the Role of Public Prosecutors outside the Criminal Field (CJ-S-PR)1 under the authority of the European Committee on Legal Co-operation (CDCJ). <https://rm.coe.int/16807096c5> 20.02.2021

холда ҳам судда процессуал қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўймаслмги, негаки бундай қарорлар фақат суд томонидан қабул қилиниши;

- ✓ дискриминацияга йўл қўймаслик принципи, унга кўра прокурор хукуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахсларнинг процессуал хукуқларини камайтириб қўйиши мумкин эмаслиги кабилар⁷⁶.

Инсон хукуклари бўйича Европа Кенгашининг Вазирлар Кенгashi томонидан 2012 йилнинг 19 сентябрида (2012) 11-сонли “Прокурорларнинг жиноий-хукуқий соҳадан ташқаридаги роли тўғрисида”ги Тавсиялари қабул қилинган .

Ушбу Тавсияларга кўра Вазирлар Кенгashi томонидан прокуратура органлари жиноий-хукуқий соҳадан ташқаридаги ваколатларга эга бўлган давлатларга прокуратуранинг ушбу йўналишдаги фаолияти инсон хукуқ ва манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор берилган ҳолда амалга оширилиши ва бунда қўйидаги принциплар инобатга олиниши лозимлиги тавсия қилинди:

- ✓ прокурор иштирокида кўрилаётган ёки кўрилиши белгиланган ишларда унинг ваколатлари ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсларнинг судда процессуал ҳаракатлар қўзғатиш билан боғлиқ хукуқларини чеклашга олиб келмаслиги (10);
- ✓ прокурорнинг судда иш қўзғатиш ёки судда иштирок этиш ваколатларисудпроцесситарафларининг тенг хукуқлилик ринципига таҳдид солмаслиги (12);
- ✓ прокурорнинг низо предметига доир далилларни яширишига йўл қўйилмаслиги (13)⁷⁷;

⁷⁶ “The role of prosecution services outside the criminal law field” adopted by the CCPE at its 3rd plenary meeting (Strasbourg, 15-17 October 2008). <https://rm.coe.int/16807474ee> 20.02.2021

⁷⁷ Recommendation CM/Rec(2012)11 on the role of public prosecutors outside the criminal justice system, adopted by the Committee of Ministers of the Council of Europe on 19 September 2012, was prepared by the Group of Specialists on the Role of Public Prosecutors outside the Criminal Field (CJ-S-PR)1 under the authority of the European Committee on Legal Co-operation (CDCJ). <https://rm.coe.int/16807096c5> 20.02.2021

- ✓ судга қадар текширишни ўтказиш ваколатлари қонун билан белгиланган бўлиши ва уларнинг натижалари прокурорга асоссиз равиша имтиёз бермаслиги (14);
- ✓ шахс манфаатларида прокурор иштирок этган ишларда манфаатлари кўзлананаётган шахснинг муҳокамада иштирок этиш хукуқининг мавжудлиги (15);
- ✓ прокурорнинг суд қарорларига муносабат билдириш ва шу тарзда юқори турувчи суд инстанцияларида ишни қайта кўрилишига эришиш хукуқи суд қарорига муносабат билдириш муддатлари ҳам инобатга олинган ҳолда процесснинг бошқа тарафларига шу масалада берилган хукуқлардан фарқланмаслиги (16).⁷⁸
- ✓ суд процесси тарафларининг прокурорнинг ишга кириш ҳақидаги қарори ҳақида прокурор ёки суд томонидан огоҳлантирилган бўлишлари(17).
- ✓ агада прокурор суд жараёнига қадар ёзма хужжат тақдим этган ҳолларда, бу хужжат уни ўрганиш учун етарли муддат ичида тарафларга тақдим этилши, акс ҳолда ишни кўришни қолдирилиши (18);
- ✓ процесс тарафларида прокурор хужжатига нисбатан эътиrozлар имкониятиятининг мавжудлиги (19);
- ✓ Прокурор суд жараёнида иштирок этмаслиги ва бундай тасаввур туғдирмаслиги лозимлиги (20);

Инсон хукуклари бўйича Европа судининг жиноии-хукукий соҳадан ташқаридаги ишларнинг кўрилишида прокурорнинг роли ҳақидаги суд амалиётини ўрганиш натижаларига бағишлиланган хужжатда (*Обзор Европейского суда по правам человека*) қайд этилишича, суд иштирокчи-давлатларнинг прокурорлари жиноий-хукукий соҳадан ташқаридаги йўналишлар бўйича ваколатлар эга бўлган ҳолларини қонун бузилиши деб эътироф этмади.

⁷⁸ “The role of prosecution services outside the criminal law field” adopted by the CCPE at its 3rd plenary meeting (Strasbourg, 15-17 October 2008). <https://rm.coe.int/16807474ee> 20.02.2021

Европа суди жиноий-хукуқий соҳадан ташқари бошқа йўналишлар прокурорлар иштирок этган ишларни кўриш жараёни Конвенциянинг хукуқ устуворлиги ва нормалари талаблари қўллаган .

Инсон хукуқлари бўйича Европа Конвенциясини 13-моддасига мувофиқ мазкур Конвенцияда белгиланган хукуқ ва эркинликлари бузилган ҳар бир шахс давлат органлари самарали хукуқий ҳимоя олиш хукуқига эга⁷⁹.

Шундай қилиб, Европа Кенгаши ҳам давлатларнинг тарихий келиб чиқиши, хукуқий жиҳатдан шаклланишини инобатга олган ҳолда ҳиноий-хукуқий соҳадан ташқари соҳаларда, хусусан фуқаролик процессида иштироки юзасидан юқоридаги тавсияларни бериш билан бир қаторда прокурорнинг иштирокига ижобий фикр билдирган.

⁷⁹ Обзор Европейского суда по правам человека. www.enshr.coe.int 20.02.2021

3.2. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ВА СУДЛАР ЎРТАСИДА ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ АЛМАШИНУВИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ


Бугунги кундаги замонавий ҳаётимизни электрон алоқа воситаларидан фойдаланмасдан тасаввур қилишнинг имконияти йўқ, албатта. Шу сабабдан ҳам жамиятимизнинг барча соҳаларида электрон маълумотлар алмашиш тобора авж олиб бораётган бир пайтда негадир прокуратура ва суд органларида бу нарса бироз оқсаб келмоқда. Улар ҳали ҳам бюрократик тўсиқларни енгигб ўтолмасдан, ортиқча вакт ва қофозларни беҳуда сарфлашмоқда. Айни бизнинг мақоламиз шу масалаларни ўрганиш ва уларга ечим топишга бағишлиланади.

Ҳукуматни ахборотлаштириши - бу давлат томонидан ишлар самарадорлигини ошириши учун ҳукумат томонидан замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишини назарда тутадиган технологияга асосланган тушунча. Кенг маънода талқил қиласидиган бўлсақ, электрон ахборот алмашинуви Интернет пайдо бўлгандан сўнг халқаро миқёсда оммалашган амалиётдир.

1990-йилларнинг бошларида Интернетнинг тез оммалashiши ва кенг қўлланилиши инсоният ҳаётида ахборот технологияларининг қўлланилишини барча фаолиянинг электрон тарзда амалга оширилишига олиб келди⁸⁰. Шу жумладан, Интернет технологияларидан қандай фойдаланиш кераклиги, бошқача қилиб айтганда, бу ахборот асри ҳукуматини қандай қуриш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, ривожлантириш ва шакллантириш муҳим вазифалардан бирига айланди. Шу туфайли электрон ҳукумат ривожланиб бормоқда.

Электрон ҳукумат моделини қўйидағича үмумлаштириши мумкин:

⁸⁰ <https://en.wikipedia.org/wiki/E-government> . 27.02.2021



Биз сўз юритишимиз зарур бўлган тури бу **G2G** (Хукумат ва хукумат) хисобланади, негаки прокуратура ҳам, суд органлари ҳам айни давлат органлари хисобланади. Бу органлар ўртасидаги электрон ахборот алмашинуви жараёни эса **G2G** нинг яққол мисолидир.

Хукуматдан хукуматга **(қисқартирилган G2G)** - бу хукумат ташкилотлари, идоралари ва ҳокимият органлари ва бошқа хукумат ташкилотлари, идоралари ва ваколатли органлари ўртасидаги тиҗорий бўлмаган ўзаро алоқадир⁸¹. Бу алоқа ёрдамида бир неча ташкилот ва идоралар ўзаро ахборот алмашинувини амалга ошириши мумкин. Бу жараёнда, албатта ахборот алмашинуви нотижорий кўринишда бўлиши лозим.

Электрон хужжам алмашинуви нега зарур деган савол тугилиши табиий ҳолат, албатта. Электрон бошқарувнинг стратегик мақсади **G2G** бошқарувни қўллаб-қувватлаш ва соддалаштириш, АҚТдан фойдаланиш, органлараро алоқани яхшилаш, уларни бирлаштириши, ўзаро қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Бунда бошқа мақсадлар ҳам мавжуд бўлиб, улар самарали маъмурий хизматлар кўрсатиш ва одамлар, корхоналар ва хукумат

⁸¹ https://en.wikipedia.org/wiki/E-governance#Government_to_Government . 27.02.2021

⁸² Oman, ITA. "eOman Portal". ita.gov.om. Governance of Oman. Retrieved 30 October 2014. 27.02.2021

ўртасидаги ўзаро таъсир ўтказиш орқали давлат бошқарувини янада шаффофроқ, тезкор ва самарадор қилишдир.

Ушбу сабаблардан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам электрон ҳукуматни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улардан бири Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” ги Конунидир. Ушбу *Конуннинг З-моддасида* идоралараро электрон алоқаларга алоҳида ургу берилган ва давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш⁸³ дея таъриф берилган. Ушбу Конуннинг 4-моддасида эса электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари белгилаб берилган бўлиб, улар қўйидагилардир:

- 1) давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффоғлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш;
- 2) ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун худудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш ва х.к.
- 3) ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш;
- 4) тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида «бир дарча «принципини жорий этиш;

⁸³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда. 27.02.2021

- 5) тадбиркорлик субъектларини электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга, шу жумладан статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш;
- 6) тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;
- 7) нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шаклларини ривожлантириш⁸⁴.

Юқоридаги модданинг *иккинчи бандига* эътибор қаратадиган бўлсак, ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун худудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш тўғрисида норма мустаҳкамланган. Бу ҳозирги кунда деярли барча ташкилотларда ҳам ўз аксини топмоқда. Фуқаролар ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида электрон шаклда мурожаат этишмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Конуниниг 26-моддасида “Фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соглиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиши имкониятига эга

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда. 27.02.2021

бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди⁸⁵”, деган норма мустаҳкамланган. Бундан ташқари **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасида** ҳам “Агар фуқаро соглигининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиши имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши учун ариза билан судга мурожаат этиши ҳуқуқига эга⁸⁶” лиги хусусида белгилаб қўйилган. Бундан келиб чиқиб шуни тушунишимиз мумкинки, прокуратура ходимлари фуқаро манфаатида судга мурожаат этиш ваколатига эга. Бироқ, прокуратура органлари томонидан киритиладиган аризалар ҳамон қофоз шаклда берилади. Ваҳоланки, **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 4-моддаси сўнгги қисмида** “Мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин”, - деб норма белгилаб қўйилган. **Кизик томони шундаки**, прокуратура томонидан ҳали аризалар электрон шаклда берилиши амалиёти мавжуд эмас.

Шунингдек, агар прокурор ушбу ҳуқуқдан фойдаланмоқчи бўлса, **Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонунида** биронта шунга ўхшаш норма мустаҳкамланмаган.

Шунинг билан биргаликда, **ФПК нинг 51-моддасида** ариза берган прокурор даъвогарнинг барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади ва барча процессуал мажбуриятларини ўз зиммасига олиши ҳам белгиланиб қўйилган. Буни шундай талқин қилиш мумкинки, прокурор манфаати ҳимоя қилинаётган

⁸⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2001 йил 29 август, 04.12.2019 й., 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.; 27.02.2021

⁸⁶ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. 27.02.2021

шахснинг ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда ҳам фуқаролик судларига электрон кўринишида ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Мұхокама қилиниши лозим бўлган яна бир масала мавжудки, биз унга эътибор қаратмасдан четлаб ўтолмаймиз. Бу суд ҳужжатлари томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатлар устидан келтирилган шикоят (протест)лар ҳам айнан қоғоз кўринишида эканлигидир. Бу эса ҳали ҳам тизимда бюрократия мавжудлигидан далолатдир. Яна ФПК га мурожаат этадиган бўлсак, унинг 4-моддасида апелляция ва кассация инстанцияси судларига мурожаат этилганда — шикоят (протест) шаклида амалга оширилиши⁸⁷ белгилаб қўйилган. Шунингдек, яна шу модданинг охирги қисмида ҳам электрон шаклда мурожаат этилиша мумкинлиги хусусида норма мустаҳкамланган. Бундан шуни англашимиз мумкинки, прокурор ҳам судларга шикоят (протест) келтирганда электрон шаклда жараённи амалга ошириши мумкин. Амалиётда эса ҳали ҳамон эскича ёндашув.

Яна масала мұхокамасига ўтадиган бўлсак, ФПК нинг **209-моддасида** судларда видеоконференцалоқани амалга оширишнинг техник имконияти бўлган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар суднинг видеоконференцалоқа режимидағи мажлисида бу ҳақда ўзлари илтимоснома берганда ёки суднинг ташаббусига қўра иштирок этиши мумкин. Кўрсатилган шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидағи суд мажлисида иштирок этиши тўғрисида суд ажрим чиқаради, ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга, одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга ва ўз кўмагида ушбу шахслар бундай мажлисда иштирок этиши мумкин бўлган тегишли судга юборилиши тўғрисида норма белгиланган.

⁸⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. 27.02.2021

“Ишда иштирок этувчи шахслар” сўзини таҳлил этадиган бўлсак, **ФПК нинг 39-моддасида** “Тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, ариза берувчилар ва судда кўрилаётган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича бошқа манфаатдор шахслар, **прокурор**, ишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар **ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади**⁸⁸” – деб белгилаб қўйилган. Булар ичида прокурор ҳам ишда иштирок этувчи шахс сифатида кўрсатилган.

Бу нормани шархлайдиган бўлсак, прокурор ҳам фуқаролик судларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиши мумкин. Бироқ, амалиётда биронта бундай иштирок кўзатилмаган, негаки бунинг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонунда ҳуқуқий асоси мавжуд эмас.

Албатта, бу масалалар ҳозирги кунда жиддий бўлиб кўринмаслиги мумкин, лекин ахборот-технологиялари ривожланган бир даврда нима учун ортиқча вақт, сарф-харажатни кеткизиб, бор имкониятдан фойдаланмаслигимиз керак. Ахир, XXI аср ахборот-технологичлари асли-ку.

Маъжозий маънода гапирадиган бўлсак, барча ёндош касалликлар бартараф этилган билан, асосий оғриқ берувчи нуқта аниқланмаса, бемор шифо топмаганидек, биз муҳокама қилаётган масалалар ҳам факат уларга ечим топиш билан барҳам топмайди. Негаки “энг оғриқли нуқта” прокуратура ва фуқаролик судлари ўртасида электрон интеграция мавжуд эмаслигидир. Бу интеграциянинг мавжуд бўлиши эса, албатта, юқоридаги масалаларга ечим бўла олади. Шунда ишлар тўғри ташкиллаштирилиши, максимал даражада вақт ва харажатни тежашга муваффақ бўлинади.

⁸⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон.; 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. 27.02.2021

Бу масалага иқтисодий харажатлар түсиқ қилиб күрсатилиши табиий ҳолат, лекин судларга юбориладиган қоғоз, почта харажатлари бутун республика бўйлаб ҳисоблаб чиқилса, электрон шаклга ўтишимиз кераклигига шубҳа қолмаган бўларди.

Агар шундай интеграция яратилса, қандай натижаларга эришиши мумкин?

Биринчидан, ортиқча овворагарчиликка барҳам берилиб, бюрократик түсиқлар бартараф этилади;

иккинчидан, ишлар тўғри ташкиллаштирилиб, вақтнинг бекор сарфланишининг олди олинади, прокурор вақтини йўлга сарфламасдан, бу вақтда иш ҳужжатлари билан танишиш билан шуғулланади;

учинчидан, айрим харажатлар иқтисод қилинади, яъни почтага, қоғозга кетадиган харажатлар тежалади;

тўртинчидан, прокуратура ва судлар ўртасида мустаҳкам электрон ахборот алмашинуви муҳити яратилади.

3.2. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Судларда фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор иштирокини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқишида юкорида асослаб келтирганимиздек, назарий ҳамда таҳлиллар ва иш хужжатларини яқиндан ўрганиш давомида бир қанча амалий муаммоларга дуч келдик. Қуйида уларни бирма-бир келтириб, асослаб беришга ҳаракат қиласиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 26-моддаси, ФПК нинг 50-моддасида агар фуқаро соғлигининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида норма мустаҳкамланган, бироқ Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 41-моддасида эса прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга дея норма мустаҳкамланган. Бу икки моддада ҳам прокурорнинг судга бошқалар манфаатини ҳимоя қилиш учун берган аризаси хақида гап кетмоқда. 26-моддада фуқаролар назарда тутилётган бўлса, 41-моддада ҳам фуқаро, ҳам юридик шахс, шунингдек жамият ва давлат ҳам инобатга олинган. Ариза киритиш мобайнида прокурор айни қайси хужжатга асосан ариза киритиши лозим. Бугунги кундаги ФПК да давлат ва дамият ёхуд юридик шахслар манфаати кўзда тутилмаган. Бу эса жиддий камчиликдир. Бу коллезиянинг бартараф этилмаганлиги амалиётда жиддий баҳсга сабаб бўлиши турган гап.

Прокурор фуқародан ташқари давлат ва жамият, юридик шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилиши керак бўладиган ҳолатларда ФПК га асосан бу ишни амалга оширишнинг имкони бўлмай қолмоқда. Бир қанча давлатлар

Фуқаролик процессуал кодексларида, жумладан, Белоруссия, Арманистон, Россия, Франция қонунчилигига бу мустаҳкамланган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 26-моддаси, ФПК нинг 50-моддасида агар фуқаро соғлигининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш хуқуқига эга эканлиги тўғрисида норма мустаҳкамланган. Бироқ қонунчиликда ёш масаласи қандай бўлиши, яъни ёш деганда пенсия ёшидаги шахсми ёхуд вояга етмаган шахсми, бу нарса аниқ белгиланмаган. Шунингдек, соғлиги масаласи ҳам худди шундай. Соғлигининг ҳолати қандай эканлиги, уни баҳолаш меъзонлари, фуқаро сурункали даволаб бўлмайдиган оғир касал бўлгандами ёки сурункали даволаб бўладиган касалликми аниқ келтирилмаган. Бундан ташқари, “бошқа сабабларга кўра” дейилган қисмida айнан қайси бошқа сабаблар бўлиши мумкинлиги назарда тутилмаган. Юқоридаги барча ҳолатлар қонунчиликнинг турлича талқин этилиши, ягона амалиётнинг шаклланишига тўскинлик қиласи.

Учинчидан, ФПК нинг 156-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек эксперталар, мутахассислар, таржимонлар ва гувоҳлар суд чақирав қоғозлари, зарур ҳолларда эса буюртма хатлар, телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали судга чақирилади ҳамда суднинг айрим процессуал харакатлари тўғрисида хабардор қилиниши белгиланган. Бироқ, прокурорни хабардор қилиш тартиби кўрсатилмаган. Бу эса прокурорнинг иш вақтини тўғри тақсимлашига, суд процессига тайёргарлик кўриш, хужжатлар билан танишиб чиқишига халақит беради, негаки прокурор процесснинг қачон, қаерда бўлаётганлигини билмаса, процессга жуда кам фурсат қолганда хабардор қилинса, албатта, бу прокурор иштирокининг самарасиз ва сифатсиз бўлишининг омилларидан биридир.

Тўртинчидан, ФПК нинг 245-моддасида ишда иштирок этувчи прокурор суд музокараларидан кейин низонинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади, бундан прокурорнинг бошқа шахсларнинг хуқуқларини, эркинликларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзгатилган ишлар мустасно эканлиги хусусида норма мустаҳкамланган. Бироқ кодексда “прокурор фикри” атамасига таъриф берилмаган, бундан ташқари прокурор фикри қандай тақдим этилиши, яъни оғзаки ёки ёзма қўринишда бўлиши кераклиги назарда тутилмаган. Бу эса прокурор фикрининг асл моҳиятини англашга, уни мазмунан қўллашда бир қанча муаммолар вужудга келмоқда. Бу эса прокурор фикрини баённомага киритишда турлича талқин қилинишига олиб келмоқда. Бугунги кунда бу жиддий муаммо бўлиб туюлмаслиги табиий ҳолат, албатта. Бироқ, прокурор фикри нима эканлигини мазмунан тушунмаслик, амалиётда бу атаманинг турлича талқин қилинишига, шунингдек унинг қандай шаклда бўлишидаги масала ҳам баъзи жойларда оғзаки қўринишда, баъзиларида эса ёзма кшринишда тақдим этилишига олиб келмоқда.

Прокурор фикрининг таърифи бўлиши, унга қўйиладиган талабларнинг мавжудлиги бу ҳужжатнинг бир хил қўлланилиши, талқиннинг ягоналиги ва амалиётга бир хилда татбиқ этилишини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаганимдек, бу жиддий муаммоломасдир, лекин ушбу атамани Олий суд Пленум қарорида ҳамда кодексда алоҳида “Атамалар бўлимида” келтириб ўтишни тўғри деб хисоблаймиз. Ваҳоланки, ҳар бир норматив ҳуқуқий ҳужжат фуқароларга тушунарли ва содда қилинса, у қонунчиликни қўллаш жараёнида осонликни келтириб чиқаради.

Бешинчидан, фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судларида прокурор иштироки қатъий тартибда белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 124-сонли буйруғида барча турдаги апелляция, кассация тартибидаги ишларда қатнашиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Бироқ, бу ФПК да ўз аксини топмаган. Шу сабабдан, бу иккиси

үртасида қарама-қаршилик вужудга келиши мумкин. Қонунчилигимизда бу масалага аниқлик киритилиши лозим.

Олтинчидан, прокурор томонидан даъво ариза киритилганда почта харажатлари айнан ким томонидан тўланиши ҳам амалитиётда аксарият ҳолатларда муаммо бўлмоқда, негаки қонунчиликда бу муаммо ўз ечимиға эга эмас. Бу оддий ҳолат бўлиб туюлиши турган гап, арзимаган почта харажатини тўлаш муаммолари дейдиганлар йўқ эмас, албатта. Бироқ, тома-тома кўл булур деганларидек, прокурор томонидан қўплаб даъво аризалари киритилади ва уларнинг ҳар бири учун прокурор ўз хисобидан почта харажатларини қоплади. Энди ўйлаб кўрайлик, прокурорга шунча қилинган харажатларни ким қоплаб беради. Бу масалани бартараф этиш учун қонунчилигамиизда бу масала юзасидан бир тўхтамга келиниши мақсадга мувофиқдир.

Еттинчидан, жиноят оқибатида етказилган зарар учун фуқаролик судларига даъво аризаларини ким киритиши масаласига ҳам ойдинлик киритилиши амалиётдаги муаммоларнинг бартараф этилишига сабаб бўлади.

Саккизинчидан, фуқарони бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиш масаласи юзасидан бир қанча муаммолар мавжуд. Маълумки, жиноят судлари томонидан қидирув эълон қилинган шахсларга фуқаролик судлари томонидан бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиш тўғрисида ажрим чиқариб бермоқда. Бунда фуқаролик судлари берилган хужжатларни тегишлича ўрганмасдан масаланинг мазмун-моҳиятига бефарқлик қилиб жиноят кодексида белгиланган жазонинг муқаррарлик принципига зид равища уларни бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиб, уларни қайситир маънода жазодан қочишига йўл очиб бермоқда.

Фуқаролик процессуал кодексининг 307-моддасига асосан юқоридаги масала прокурор иштироки мажбурий бўлган ишлар сирасига киради. Судлар томонидан айрим ҳолатларда етарлича ўрганишлар амалга оширилмасдан фуқарони бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Масалан, фуқаро М.С. га нисбатан Жиноят кодекси 97-моддаси иккинчи қисм “а” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, 2003 йил Олмазор

туман ИИБ томонидан қидирув эълон қилинган. Қариндошлари томонидан берилган ариза 2019 йил 21 ноябрда фуқаролик ишлари бўйича Шайҳонтоҳур туманлараро суди томонидан ариза қаноатлантирилмаган.

Тошкент шаҳар судининг 2020 йил февралдаги ажрими асосида ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Бироқ, Миробод туманлараро судининг 2020 йил 10 янввардаги ҳал қилув қарори билан фуқаро М.Н. нинг отаси F.N. ва укаси Д.Н. ни вафот этган деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган. Ўрганишларга кўра, F.N. унинг отаси, Д.Н. эса укаси эканлигини, уларга нисбатан ЖК 244-моддаси иккинчи ва учинчи қисми билан жиноят иши қўзғатилганлигини, қидирув эълон қилинганлигини, 1993 йилда уйда чиқиб кетишганлигини, бироқ яқинда уларнинг Покистонда вафот этганлииги юзасидан маълумотга эга бўлганлигини, бироқ бу ҳақида бирон бир хужжат тақдим эта олмаслигини, шунга қарамасдан иш бўйича етарли далил мавжуд бўлмаса ҳам суд томонидан унинг аризаси қаноатлантирилган.

Бу вазиятда уларга нисбатан қидирув эълон қилинганлиги масаласи очик қолдирилиб, ФПК нинг 33-моддасига зид равишда ҳал қилув қарори чиқарилган. Бу масала юзасидан ягона амалиёт шакллантирилса, мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Конунинг 26-моддасида⁸⁹ “Фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлигига, ёши ёки бошига сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиши имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2008 й., 39-сон, 390-модда; 2008 й., 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон

кувватлайди”, деган норма мустаҳкамланган. Бундан ташқари **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасида** ҳам “Агар фуқаро соглигининг ҳолати, ёши ёки бошига сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиши имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши учун ариза билан судга мурожсаат этиши ҳуқуқига эга⁹⁰” лиги хусусида белгилаб қўйилган. Бундан келиб чиқиб шуни тушунишимиз мумкинки, прокуратура ходимлари фуқаро манфаатида судга мурожсаат этиш ваколатига эга. Бироқ, прокуратура органлари томонидан киритиладиган аризалар ҳамон қофоз шаклда берилади. Ваҳоланки, **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 4-моддаси сўнгги қисмида** “Мурожсаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин”, - деб норма белгилаб қўйилган. **Кизик томонни шундаки**, прокуратура томонидан ҳали аризалар электрон шаклда берилиши амалиёти мавжуд эмас.

Шунингдек, агар прокурор ушбу ҳуқуқдан фойдаланмоқчи бўлса, **Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонунида** биронта шунга ўхшаш норма мустаҳкамланмаган.

Шунинг билан биргаликда, **ФПК нинг 51-моддасида** ариза берган прокурор даъвогарнинг барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади ва барча процессуал мажбуриятларини ўз зиммасига олиши ҳам белгиланиб қўйилган. Буни шундай талқин қилиш мумкинки, прокурор манфаати ҳимоя қилинаётган шахснинг ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда ҳам фуқаролик судларига электрон кўринишда ариза билан мурожсаат қилиши мумкин.

Мұхокама қилиниси лозим бўлган яна бир масала мавжудки, биз унга эътибор қаратмасдан четлаб ўтолмаймиз. Бу суд ҳужжатлари томонидан

⁹⁰ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон

чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатлар устидан келтирилган шикоят (протест)лар ҳам айнан қоғоз кўринишида эканлигидир. Бу эса ҳали ҳам тизимда бюрократия мавжудлигидан далолатдир. Яна ФПК га мурожаат этадиган бўлсак, унинг 4-моддасида апелляция ва кассация инстанцияси судларига мурожаат этилганда — шикоят (протест) шаклида амалга оширилиши⁹¹ белгилаб қўйилган. Шунингдек, яна шу модданинг охирги қисмида ҳам электрон шаклда мурожаат этилиша мумкинлиги хусусида норма мустаҳкамланган. Бундан шуни англашимиз мумкинки, прокурор ҳам судларга шикоят (протест) келтирганда электрон шаклда жараённи амалга ошириши мумкин. Амалиётда эса ҳали ҳамон эскича ёндашув.

Яна масала мухокамасига ўтадиган бўлсак, ФПК нинг **209-моддасида** судларда видеоконференцалоқани амалга оширишнинг техник имконияти бўлган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар суднинг видеоконференцалоқа режимида мажлисида бу ҳақда ўзлари илтимоснома берганда ёки суднинг ташаббусига кўра иштирок этиши мумкин. Кўрсатилган шахсларнинг видеоконференцалоқа режимида суд мажлисида иштирок этиши тўғрисида суд ажрим чикаради, ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга, одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга ва ўз кўмагида ушбу шахслар бундай мажлисда иштирок этиши мумкин бўлган тегишли судга юборилиши тўғрисида норма белгиланган.

“Ишда иштирок этувчи шахслар” сўзини таҳлил этадиган бўлсак, **ФПК нинг 39-моддасида** “Тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, ариза берувчилар ва судда кўрилаётган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича бошқа манфаатдор шахслар, **прокурор**, ишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим

⁹¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон

фуқаролар *ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади*⁹²” – деб белгилаб қўйилган. Булар ичида прокурор ҳам ишда иштирок этувчи шахс сифатида кўрсатилган.

Бу нормани шарҳлайдиган бўлсак, прокурор ҳам фуқаролик судларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиши мумкин. Бироқ, амалиётда биронта бундай иштирок кўзатилмаган, негаки бунинг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонунда хуқуқий асоси мавжуд эмас.

Албатта, бу масалалар ҳозирги кунда жиддий бўлиб кўринмаслиги мумкин, лекин ахборот-технологиялари ривожланган бир даврда нима учун ортиқча вақт, сарф-харажатни кеткизиб, бор имкониятдан фойдаланмаслигимиз керак. Ахир, XXI аср ахборот-технологичлари асли-ку.

⁹² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон; 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон

ХУЛОСА

Тадқиқот ишида келтирилган фикрларга таянган ҳолда ўзимизнинг хulosавий ғояларимизни уч гурухга бўлиб, уларда тегишли тавсия ва таклифларни аниқ ва лўнда изоҳлаймиз:

I. Ташкилий тавсия ва таклифлар

1. Прокуратура ва фуқаролик судлари ўртасида электрон интеграция яратиш ва хужжатлар алмашинувини электрон кўринишга ўзгартириш, хусусун, электрон даъво ариза, (хусусий) протест каби электрон шаклдаги хужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш.
2. Прокурорларнинг вақтини тўғри тақсимлаш мақсадида фуқаролик судларидаги прокурор иштироки талаб этиладиган процесслардан доимий хабардор бўлиш учун фуқаролик судлари томонидан электрон кўринишда процесслар жадвалини ҳар ҳафта тақдим этиш механизмини яратиш.
3. Прокурорларнинг фуқаролик процессларида зарурат туғилганда видеоконференцалоқа режимида иштирок этишини амалиётга татбиқ этиш.
4. Прокурорларнинг фуқаролик иши хужжатлари билан танишиб чиқиши, улар билан ишлаши мақсадида фуқаролик судларида прокурор учун алоҳида “прокурор хонаси” ни ташкил этиш.
5. Почта харажатларини қоплаш тизимини йўлга қўйиш.

II. Назарий хулосалар

1. Диссертация ишимиздан келиб чиқиб, қуйидаги атамаларга муаллифлик таърифи берилди:
 - Прокурор фикри - ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан сўнг ўқиб эшилтириладиган, суд хужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги тўғрисида фикри, бундан прокурорнинг бошқа шахсларнинг хуқуқларини, эркинликларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича

қўзғатилган ишлар мустасно. Прокурор фикри тавсиявий ҳисобланади.

III. Конунчиликни такомиллаштиришига қаратилган тақлифлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 26-моддаси, ФПК нинг 50-моддасига ўзгартириши киритиб, “юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши учун” жумласи билан тўлдириши лозим.
2. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 26-моддаси, ФПК нинг 50-моддасидаги “фуқаро соғлигининг ҳолати, ёши” деган жумла “фуқаронинг соғлигига жиддий шикаст етган ёки даволаб бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар узоқ муддатли касалликка чалинган, шунингдек вояга етмаган ҳамда пенсия ёшидагилар” деб ўзгартирилиши лозим.
3. ФПК нинг 245-моддаси 245¹-моддаси билан тўлдирилиб, қуйидагича тавсифлансин:

“Прокурор фикри - ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришиларидан сўнг ўқиб эшиштириладиган, суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги тўғрисида фикри, бундан прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиши мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар мустасно. Прокурор фикри тавсиявий ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги қонуннинг 41-моддаси янги жумла билан тўлдириб, уни қуйидагича келтириш лозим:

“Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши учун судга (электрон) ариза билан мурожсаат қилиши ҳуқуқига эга.

Прокурорнинг (электрон) аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқлади.

Прокурор аризасидан давлат бојси ва почта харажатлари олинмайди.

5. ФПК нинг 156-моддасига қуйидаги жумла киритилсин:

“Прокурорга суд процесси түгрисидаги хабар процессдан камида 24 соат олдин электрон тарзда жүннатылади.”

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Норматив-хуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон. <https://www.lex.uz/acts/20596>;
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/351733>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни, Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2001 йил 29 август, 04.12.2019 й., 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.;
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон. <https://lex.uz/docs/3517337>;
5. Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни, Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2001 йил 29 август, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон.;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февральдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон Фармон // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июльдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармон;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Харакатлар стратегияси түғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.;

9. Франция Фуқаролик процессуал кодекси. <https://www.legifrance.gouv.fr/>
10. Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси <http://search.chinalaw.gov.cn/>
- 11.“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш түғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 й. 14 декабрдаги 163-П-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001. 1-2-сон, 11-модда.
12. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик процессуал кодекси: (1986 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон. 1986. -226 б.;
- 13.Закон от 9 мая 1911 г. «Об освобождении чинов прокурорского надзора от дачи заключений по гражданским делам « // ПСЗ РИ-3. Т. XXXI. Отдие I. N 35154.
- 14.Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-661-сонли Қонуни таҳририда — Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон).
- 15.Recommendation CM/Rec(2012)11 on the role of public prosecutors outside the criminal justice system, adopted by the Committee of Ministers of the Council of Europe on 19 September 2012, was prepared by the Group of Specialists on the Role of Public Prosecutors outside the Criminal Field (CJS-PR)1 under the authority of the European Committee on Legal Co-operation (CDCJ). <https://rm.coe.int/16807096c5> .
- 16.Қазақстан Республикасының Азаматтық процестік кодексі. Қазақстан Республикасының Кодексі 2015 жылғы 31 қазандағы № 377-В ҚРЗ. <https://adilet.zan.kz/> .

17. “The role of prosecution services outside the criminal law field” adopted by the CCPE at its 3rd plenary meeting (Strasbourg, 15-17 October 2008).
<https://rm.coe.int/16807474ee>

II. Монография, ўкув адабиётлари ва тўпламлар:

1. Махбубов М. Законность в дореволюционном Узбекистане // 70 лет на страже закона. – Т., 1992.
2. *Mualliflar jamoasi. Prokuror nazorati. Darslik.* – Toshkent: TDYU, 2019. –200 bet.
3. Эриашвили М. И. Участие прокурора в гражданском процессе: Монография / Под ред. Н. М. Коршунова. М., 2010. С. 70.
4. Коршунов Н. М., Мареев Ю. Л. Гражданский процесс: Учебник. М., 2009. С. 155.
5. УЧАСТИЕ ПРОКУРОРА В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ. Магистерская диссертация обучающегося по направлению подготовки 40.04.01 Юриспруденция программа «Гражданский процесс, арбитражный процесс « заочной формы обучения, группы 01001666 Бажинова Дмитрия Юрьевича
6. Головко И.И., Горячева Е.А. Историко-правовые аспекты участия прокурора в гражданском процессе в Российской Федерации // Вестник Омской академии. 2018. № 2. С. 45.
7. Касимова М.К. История создания и развития прокуратуры в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане, 1985. – №5. – С. 19-22; Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиши. – Т., 1991. – Б. 107.
8. Ибрагимов З. С. Прокуратура суверенного Узбекистана. – Т., 2000. 233 б.
9. Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т: Ўзбекистон, 2009. – Б-81.
10. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм. – Тошкент: Илм Зиё, 2012. Б 422.

- 11.Мамасиддиқов М.М., Ҳабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал хуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2006. -168 б.
- 12.Мамасиддиқов М.М. Прокурорнинг хуқуқий хужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича судда иш юритиш // Хўжалик ва хукуқ. 2004, № 2. -Б. 29-30.
- 13.Мамасиддиқов М.М. Прокурор ваколати, уни таъминлашнинг айрим масалалари // Ҳаёт ва қонун. 2004. №4. Б.39-40.
- 14.Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: қонунчиликдаги ютуқлар ва айрим муаммолар хусусида. “Мустақиллик йилларида суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг янгича асосларда шаклланиши: ютуқлар ва муаммолар” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 2007 йил 29 ноябрь. -Т.: ТДЮИ. 2007. –Б. 112-117.
- 15.Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал хуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма (ўзгартиш ва тўлдиришлар билан). Проф. Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Т.: АҚҲМИ. - 2008. – 332 б.
- 16.Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. Проф. Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Т.: АҚҲМИ. 2008. –Б. 18-19.
- 17.Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал хуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2010. – 415 б.
- 18.Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига киритилган янгиликлар (илмий-амалий қўлланма) // Масъул муҳаррир ю.ф.н. А.Б.Фафуров. –Тошкент: ЮМОМ, 2012. -13 бет.
- 19.Мамасиддиқов М.М., Шодмонов Ф.Ю., Алимарданов Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки (ўқув-амалий қўлланма). –Тошкент:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, 2014. -66 бет.

- 20.Мамасиддиқов М.М., Миражмедова Н.А. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: миллий амалиёт ва хорижий тажриба // Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент: “Адолат”. 2016. – 220 б.
- 21.Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик ишларини назорат тартибида кўришда прокурор иштироки // Odillik mezoni. 2019. 1-сон. -Б. 42-46.
- 22.Мамасиддиқов М.М. Назорат инстанцияси судида иш юритиш: унда прокурор иштирокини такомиллаштириш // “Нуқуқ” Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг газетаси, –Тошкент, 2018 йил 22 ноябрь, 47-сони (1140).
- 23.Мамасиддиқов М.М., Шайзаков Ш.И., Шамшидинов У.Т. Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш масалалари // Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент, 2020. 30-бет.
- 24.Кравцов Б.В. Предъявление прокурорами исков - важная форма защиты прав и интересов граждан Сов. государство и право, 1966. № 1. -С. –67-68.
- 25.Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дис. соис. учен. степ. канд. юрид. наук. - Саратов, 2002. -16 с.
- 26.Аргунов В.Н. Участие прокурора в гражданском процессе. –М.: МГУ, 1991. -91 с.
- 27.Чечина Н.А.:Избранные труды по гражданскому процессу. - С.-Пб.: Изд. Дом С.-Петерб. гос. ун-та, 2004. - 500 с.
- 28.А. Ференс-Сороцкий, Е. Ю. Новиков. СПб.: Изд-во Санкт-Петербург. гос. ун-та, 2005. 614 с.
- 29.Ференц-Сороцкий А.А. Прокурор в гражданском судопроизводстве // Известия высших учебных заведений. Правоведение. 1992. № 4. С. 91 - 95.

30. Викут М. А. Правовое положение прокурора, предъявившего иск в интересах другого лица // Вопросы теории и практики прокурорского надзора. 1994. № 10. С. 134-137.
31. Аргунов В.Н. Участие прокурора в гражданском процессе. М.: МГУ, 1991. С. 114;
32. Осокина Г.Л. Право на защиту в исковом судопроизводстве. Томск, 1990. С. 55 – 57.
33. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал хуқуқи: (Дарслик). –Т.: “Адолат”, 2001. – 76 б.
34. Колобова С.В., Сергеенко Ю.С. Трудовое право России: учебник. 2-е изд., перераб. и доп. М.:стицинформ, 2018. С. 322.
35. Моисеев С.В. Несколько слов об участии прокурора в гражданском процессе // Арбитражный и гражданский процесс. 2003. № 8.
36. Ергашев Е.Р. О проблемах правовой регламентации и применения правовых средств прокурора, участвующего в рассмотрении судами гражданских дел // Российский юридический журнал. 2017. № 3. С. 95-102.
37. М.Б.Дўстқориев, Г.Уэддл, С.С.Мамадалиев. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистонда прокуратура органлари//–Тошкент, 2020. – 46 бет.
38. Oman, ITA. «eOman Portal ». ita.gov.om. Governance of Oman. Retrieved 30 October 2014.

III. Диссертация, диссертация авторефератлари, илмий мақола ва тезислар:

1. Решетникова И.В. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации // Вестник гражданского процесса. 2017. № 3. С. 94-115.
2. Алиева И.Д. Защита гражданских прав прокурором и иными уполномоченными органами: автореф. дисс...канд. юрид. наук. М., 2006.

3. Григорьев А.Н. Заключения как формы выражения мнений отдельных участников гражданского судопроизводства: автореф. дисс...канд. юрид. наук. Саратов, 2011.
4. Зольников А.З. Правовой статус прокурора в гражданском судопроизводстве Российского государства (XVIII-XXI в.в.): историко-теоретическое исследование: автореф. дисс...канд. юрид. наук. Казань, 2016.
5. Иванов А. Л. Защита прокурором прав и законных интересов граждан в российском гражданском судопроизводстве: автореф. дисс... канд. юрид. наук. М.,2009.
6. Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурор в гражданском судопроизводстве: автореф. дисс... канд. юрид. наук. Саратов, 2002.
7. Миряшева Е.В. Институт прокуратуры Французской Республики в системе гарантий конституционных прав и свобод: автореф. дисс...канд. юрид. наук. М., 2006.193
8. Сергиенко А.А. Участие прокурора в рассмотрении гражданских дел судами общей юрисдикции: автореф. дисс... канд. юрид наук. М., 2005.
9. Токарева Е.В. Защита прокурором публичного интереса в гражданском процессе: автореф. дисс...канд. юрид. наук. Санкт-Петербург, 2015.
- 10.Устименко И.В. Прокурорский надзор за соблюдением социальных прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации: автореф. дисс...канд. юрид. наук. М., 2009.
11. Шакириянов Р.В. К вопросу об участии третьих лиц без самостоятельных требований относительно предмета спора в суде апелляционной инстанции // Вестник гражданского процесса. 2015. №6.
- 12.Ченцов Н.В. Участие прокурора в гражданском процессе с целью защиты прав и охраняемых законом интересов Российской Федерации// Вестник ТвГУ. Серия «Право ». 2013. Выпуск 34. С. 120.
- 13.Терехова Л.А. Прокурор в гражданском процессе // Вестник Омского университета. Серия «Право ». 2011. № 2 (27).

IV. Хорижий тилдаги адабиёт ва илмий мақолалар:

1. Jacques Krynen, *Punir les juges ? 1667 : Pussort contre Lamoignon* ([lire en ligne \[archive\]](#)), p. 79-93
2. Serge Dauchy, « La conception du procès civil dans le Code de procédure de 1806 », *De la commémoration d'un code à l'autre: 200 ans de procédure civile en France*, 25 mars 2015, p. 77–89 ([lire en ligne \[archive\]](#)), consulté le 13 mai 2021)
3. Philippe Bertin, « Le petit noël procédurier. », *La Gazette du Palais*, 1974, p. 49-54, 252-258.
4. Carine Jallamion, *Arbitrage forcé et justice d'État pendant la Révolution française d'après l'exemple de Montpellier* ([lire en ligne \[archive\]](#)), p. 69-85
5. ·[检察机关介入民事诉讼的方式和程序](#)
6. Wiśniewski Paweł, Udział prokuratora w postępowaniu cywilnym, Toruń 2014.
7. Prosecutor in civil proceedings: forms of participation and legal status.
URL: <https://jurkom74.ru/ucheba/prokuror-v-grazhdanskom-protsesse-formiuchastiya-i-pravovoe-polozhenie>

V. Интернет ресурслари:

1. <http://lex.uz>
2. <https://tass.ru/info/7562963>
3. <http://islamonline.uz/index.php/item/1977-qozilar. 01.02.2021>
4. <http://hudud24.uz/sud-jarayonida-prokuror-ishtiroki-shart-mi/>
<https://www.legifrance.gouv.fr/>
5. <https://www.legifrance.gouv.fr/>
6. https://go.lexisnexis.com/statenet?access=15418315091&treatcd=15440990276&source=google&medium=cpc&campaign=SB_StateNet_Legislative/Federal&keyword=federal%20legislative&keyword=federal%20legislative&gc

lid=Cj0KCQjwzYGGBhCTARIsAHdMTQwu8D2gGPn2wUhejjmcbdQ3S
HtYD3RtdwddpxfXmsPjpKH0EJnlMzAaAufIEALw_wcB

7. <http://www.thomas.loc.gov/>
8. <https://zqyj.chinalaw.gov.cn/>
9. <http://search.chinalaw.gov.cn/>
10. <http://www.moj.gov.cn/>
11. <https://en.wikipedia.org/wiki/E-government>
12. https://en.wikipedia.org/wiki/E-governance#Government_to_Government
13. <http://lawlibrary.ru>
14. <http://www.consultant.ru>
15. <http://www.pravo.org.ua/>
16. <http://constitution.uz/uz>
17. <http://www.consultant.ru>
18. <http://norma.uz>
19. <http://proacademy.uz>
20. <http://uzjournals.edu>
21. <https://worldjusticeproject.org>
22. <http://pravogizn.h1.ru>
23. <https://cyberleninka.ru/>
24. <https://www.dissercat.com/>
25. <https://www.moleg.go.kr/index.es?sid=a1>
26. <https://rm.coe.int/16807096c5>
27. <https://adilet.zan.kz/kaz/docs/K1500000377#z54>
28. <http://www.zqai.kz/kk/node/12612>

ИЛОВАЛАР

1-Илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан _____ да қабул қилинган

Сенат томонидан _____ да маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ-460-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон; 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон; 23.10.2019 й., 03/19/572/3943-сон; 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон; 15.11.2019 й., 03/19/584/4025-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон, 15.01.2020 й., 03/20/602/0052-сон, 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон, 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон; 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон) _____.20__ й., ___/___/___-сон) қуидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 50-модда биринчи қисм шундай талқин этилсин:

«Агар фуқаронинг соғлигига жиддий шикаст етган ёки даволаб бўлиш бўлмаслигидан қатъий назар узоқ муддатли касалликка чалинган, шунингдек вояга етмаган ҳамда пенсия ёшидагилар судда ўз хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун (электрон) ариза билан судга мурожаат этиш хуқуқига эга, шунингдек юридик шахслар, жамият ва давлат хуқуqlари

ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам (электрон) судга ариза бериши мумкин. Прокурор (электрон) аризасидан давлат божи ва почта харажатлари олинмайди”.

2) 156-моддаси учинчи қисмига қуйидаги жумла киритилсин:

“Прокурорга суд процесси тўғрисидаги хабар процессдан камида 24 соат олдин электрон тарзда жўнатилади.”

3) 245¹-моддаси билан тўлдирилсин:

“Прокурор фикри - ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан сўнг ўқиб эшилтириладиган, суд хужжатининг қонунийлиги, асослилиги ваadolатлилиги тўғрисидаги фикр бўлиб, бундан прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар мустасно. Прокурор фикри тавсиявий хисобланади ва судга ёзма тақдим этилади.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган 257-П-сонли Конуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2008 й., 39-сон, 390-модда; 2008 й., 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон,

25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон,

—. —. 20 __ й., __ / __ / __ -сон) куйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) 26-моддаси қуйидаги кўринишда белгилансин:

Фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган хуқуқ ва эркинликлари бузилса, агар фуқаронинг соғлигига жиддий шикаст етган ёки даволаб бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар узоқ муддатли касалликка чалинган, шунингдек вояга етмаган ҳамда пенсия ёшидагилар судда ўз хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун (электрон) ариза билан судга мурожаат этиш хуқуқига эга, шунингдек юридик шахслар, жамият ва давлат хуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам (электрон) судга ариза бериши мумкин.

2) 41-моддаси қуйидагича талқин қилинсин:

“Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга (электрон) ариза билан мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Прокурорнинг (электрон) аризаси суд томонидан қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Прокурор (электрон) аризасидан давлат божи ва почта харажатлари олинмайди.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради. **Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

2-Илова

**“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва
кўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳасига**

ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛ

№	Амалдаги таҳрир	Таклиф қилинаётган норма	асос
Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси			
1.	50-модда биринчи қисми. Агар фуқаро соғлигининг холати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза	50-модда биринчи қисми. «Агар фуқаронинг соғлигига жиддий шикаст етган ёки даволаб бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар узоқ муддатли касалликка чалинган, шунингдек вояга етмаган ҳамда пенсия ёшидагилар судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган	Бу нормани таклиф қилишимиздан мақсад, биринчидан, моддадаги ноаниқликлар аниқлаштириш қонунчиликда ягона амалиётнинг шаклланишига сабаб бўлса, бошқа томондан қонунчилигимизда юридик шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво ариза киритиш масаласи назарда тутилмаган. Мисол

	<p>билин судга мурожаат этиш хукуқига эга.</p>	<p>хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун (электрон) ариза билин судга мурожаат этиш хукуқига эга, шунингдек юридик шахслар, жамият ва давлат хукуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам (электрон) судга ариза бериши мумкин. Прокурор (электрон) аризасидан давлат божи ва почта харажатлари олинмайди”</p>	<p>тариқасида, Франция, АҚШ, Хитой каби давлатларда бу норма мустаҳкамланган. Шунингдек, прокурор томонидан даъво аризасини электрон тарзда берилиши ҳам назарда тутилган, негаки бугунги кунда ахборот-коммуникация ривожланган бир даврда аризанинг электрон берилиши ортиқчи чиқимларнинг бартараф этилишига олиб келади.</p>
2.	Тўлдирилмоқда.	<p>156-моддаси учинчи қисми “Прокурорга суд процесси тўғрисидаги хабар процессдан камида 24 соат олдин электрон тарзда жўнатилади.”</p>	<p>Амалиётда бу жиддий муаммога сабаб бўлмоқда. Прокурор процессга етарли тайёргарлик кўришга улгурмайди, бундан ташқари вактини</p>

			тўғри ташкиллаштиришда муаммо бўлиши мумкин.
3.	Тўлдирилмоқда.	245¹-модда. “Прокурор фикри - ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан сўнг ўқиб эшилтириладиган, суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилиги тўғрисидаги фикр бўлиб, бундан прокурорнинг бошқа шахсларнинг хукуқларини, эркинликларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар мустасно. Прокурор фикри тавсиявий	Прокурор фикр бериши кераклиги ФПК да белгиланган бўлиб, бироқ унинг таърифи, асл моҳияти кўрсатиб ўтилмаган. Бундан ташқари, унинг ёзма ёки оғзаки тақдим этилиши хам кўрсатилмаган. Бу эса амалиётда турлича талқин этилишига олиб келади.

		ҳисобланади ва судга ёзма тақдим этилади.	
Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуни			
1.	26-модда. Фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди.	26-модда. Фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса,agar фуқаронинг соғлиғига жиддий шикаст етган ёки даволаб бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар узоқ муддатли касалликка чалинган, шунингдек вояга етмаган ҳамда пенсия ёшидагилар судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва	Бу нормани таклиф қилишимиздан мақсад, биринчидан, моддадаги ноаниқликлар аниқлаштириш қонунчиликда ягона амалиётнинг шаклланишига сабаб бўлса, бошқа томондан қонунчилигимизда юридик шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво ариза киритиш масаласи назарда тутилмаган. Мисол тариқасида, Франция, АҚШ, Хитой каби давлатларда бу норма

	<p>қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун (электрон) ариза билан судга мурожаат этиш хуқуқига эга, шунингдек юридик шахслар, жамият ва давлат хуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам (электрон) судга ариза бериши мумкин.</p>	<p>мустаҳкамланган. Шунингдек, прокурор томонидан даъво аризасини электрон тарзда берилиши ҳам назарда тутилган, негаки бугунги кунда ахборот- коммуникация ривожланган бир даврда аризанинг электрон берилиши ортиқча чиқимларнинг бартараф этилишига олиб келади. Амалиётда бу жиддий муаммога сабаб бўлмоқда. Прокурор процессга етарли тайёргарлик кўришга улгурмайди, бундан ташқари вақтини тўғри ташкиллаштиришда муаммо бўлиши мумкин.</p>
--	--	---

<p>2. 41-модда.</p> <p>Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳукуқлари ҳамда қонуний манфаатларини химоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.</p>	<p>41-модда.</p> <p>“Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳукуқлари ҳамда қонуний манфаатларини химоя қилиш учун судга ариза (электрон) билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Прокурорнинг (электрон) аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.</p> <p>Прокурор (электрон) аризасидан давлат божи ва почта харажатлари олинмайди.</p>	<p>Прокурор томонидан даъво аризасини электрон тарзда берилиши ҳам назарда тутилган, негаки бугунги кунда ахборот-коммуникация ривожланган бир даврда аризанинг электрон берилиши ортиқча чиқимларнинг бартараф этилишига олиб келади.</p> <p>Амалиётда бу жиддий муаммога сабаб бўлмоқда.</p> <p>Прокурор процессга етарли тайёргарлик кўришга улгурмайди, бундан ташқари вақтини тўғри ташкиллаштиришда муаммо бўлиши мумкин.</p>
--	--	--

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
магиструра тингловчиси Маматалиева Шаҳноза Хушмамат қизининг
“Судларда фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор иштирокини
такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги магистрлик
диссертацияси бўйича**

СЎРОВНОМАСИ

1. Фуқаролик кодекси 50-моддасида агар фуқаро соғлигининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Фикрингизча, фуқаро соғлигининг ҳолати ва ёшига нисбатан қонунчиликка аниқлик киритилиши керакми?

Ҳа, аниқлаштирилиши керак.

Йўқ, бунга эҳтиёж мавжуд эмас.

Бу ҳақида аниқ фикрга эга эмасман.

2. Прокурор фуқаро манфаатидан ташқари давлат ва жамият, юридик шахслар манфаатини кўзлаб фуқаролик судларига даъво ариза киритиши керакми?

Ҳа, прокурор мамлакат ҳудудида қонунчиликнинг бир хил ва аниқ бажарилиши билан бир қаторда юридик ва жисмоний шахслар, жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қилиши керак.

Йўқ, юридик шахслар, жамият, давлат прокурор химоясидан фойдаланишига эҳтиёж мавжуд эмас.

Бу ҳақида аниқ фикрга эга эмасман.

3. Прокурор даъво ариза, протестларни судларга электрон қўринишида киритиш амалиётини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўладими?

Ҳа, албатта, замонавий технологиялар ютуғидан фойдаланиб, бюрократияни четлаб ортиқча сарф-харажатлардан қочиш керак.

Йўқ, анъанавий усулда почталар орқали жўнаталиши керак.

Бунга зарурат йўқ.

4. ФПК нинг 245-моддасида прокурор фикр бериши кераклиги ҳақида норма мустаҳкамланган, бироқ ушбу “прокурор фикри” тушунчаси эса ФПК да мавжуд эмас.

Фикрингизча, “прокурор фикри” тушунчаси ФПК га киритилиши керакми?

Ҳа, бу тушунчанинг бўлиши унинг асл моҳиятини англашга ёрдам беради, шунингдек аниқ қандай шаклда бўлишини ифодалайди.

Йўқ, бу тушунчанинг мавжуд эмаслиги ҳеч нарсага таъсир этмайди.

Бу ҳақида аниқ фикрга эга эмасман.

5. Сизнинг фикрингизча, фуқаролик процессларида прокурор иштироқи суд жараёнининг холислигига, адолатнинг таъминланишига, тортишувчанлик принципининг бузилишига олиб келиши мумкинми?

Ҳа, мумкин.

Йўқ, таъсир этмайди, негаки ФПК да прокурор иштироқчи сифатида кўрсатилган, шунингдек улар одил судловга беминнат қўмак беради.

Бу ҳақида аниқ фикрга эга эмасман.

6. ФПК да прокурор иштироки талаб этиладиган ишларда прокурор процесснинг вақти, санаси ҳақида хабардор қилинади дейилган, бироқ хабардор қилиш тартиби белгиланмаган.

Фикрингизча, прокурорни хабардор қилиш тартиби белгиланиши керакми?

Ҳа.

Йўқ.

Бу ҳақида аниқ фикрга эга эмасман.

7. ФПК да процесс иштирокчилари видеоконференц алоқа режимида иштирок этиши мумкинлиги белгиланган. Фикрингизча, процесс иштирокчиси сифатида прокурор ҳам ишда шахсан иштирок этишнинг имкони бўлмаганда зарурат юзасидан видеоконференц алоқа режимида қатнашса, мақсадга мувофиқ бўладими?

Ҳа.

Йўқ.

Бу ҳақида аниқ фикрга эга эмасман.

ФПК да процесс иштирокчилари видеоконференц алоқа режимида иштирок этиши мүмкінлиги белгіланған. Фикрингизча, процесс иштирокчиси сифатида прокурор ҳам ишда шахсан иштирок этишнің имкони бұлмаганда зарурат юзасидан видеоконференц алоқа режимида Қатнашса, мақсадға мувофиқ бўладими?

62 responses




ФПК нинг 245-моддесида прокурор фикр бериши кераклиги ҳақида норма мустаҳкамланған, бироқ ушбу "прокурор фикри" түшүнчеси эса ФПК да мавжуд эмас. Фикрингизча, "прокурор фикри" түшүнчеси ФПК га киритилиши керакми?

62 responses



Прокурор даъво ариза, протестларни судларга электрон кўринишда киритиш амалиётини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўладими?


62 responses



- Ха, албатта, замонавий технологиялар ютуғидан фойдалан...
- Йўқ, анъанавий усулда почталор орқали жўнатилиши керак.
- Бунга зарурат йўқ.
- Hozirda ham elektron ham cogoz varianti amal qilyapti elektronni ozi bs...
- Eu toradagi ilg'or innovatsion yondashuvlami joriy etish orqali protse...
- Еазиятта ҳараба ҳар иккала шаклда х...

ФПК да прокурор иштироки талаб этиладиган ишларда прокурор процесснинг вақти, санаси ҳақида хабардор қилинади дейилган, бироқ хабардор қилиш тартиби белгиланмаган. Фикрингизча, прокурорни хабардор қилиш тартиби белгиланиши керакми?

62 responses



- Ха.
- Йўқ.
- Еу хўқида аниқ фикрда эга эмасман.
- Еу amalyotga bogliq muammoli holat ishlaniq sanada vaqtida qobiliyhdada obektiiv va subektiiv omillar tasir qiladi
- Манимча бунга хокат йўқ
- Prokuror protsessning boshqasi ishtirkchilari on bir xilda xabardor qilinganidagi xojati yoq moddalar oxshashli...


ФПК да процесс иштирокчилари видеоконференц алоқа режимида иштирок этиши мүмкінлиги белгіланған. Фикрингизча, процесс иштирокчиси сифатида прокурор ҳам ишда шахсан иштирок этишнинг имкони бўлмагандага зарурат юзасидан видеоконференц алоқа режимида Қатнашса, мақсаддага мувофиқ бўладими?

62 responses



Сизнинг фикрингизча, фуқаролик процессларида прокурор иштироки суд жараёнининг холислигига, адолатнинг таъминланишига, тортишуочонлик принципининг бузилишига олиб келиши мумкинми?


62 responses



- Ха, мумкин.
- Йўқ, таъсир этмайди, негаки ОПК да прокурор иштирокчи сифатида кўрсатилган, шунингдек улар одил судловга беминнат кўмак беради.
- Еу ҳақида аниқ фикрга эга эмасман.
- Долзарб тоифадати ишлар буйича прокурор иштирок этиши зарур, айнан давлат ва всяга етмаганлар манфаатлари буйича куриладиган и...

Прокурор фуқаро манфаатидан ташқари давлат ва жамият, юридик шахслар манфаатини кўзлаб фуқаролик судларига даъво ариза киритиши керакми?

62 responses



- Ха, прокурор мамлакат ҳудудида қонунчиликнинг бир хил ва аниқ бажарилиши билан бир қаторда ю...
- Йўқ, юридик шахслар, жамият, давлат прокурор химоясидан фойдаланишига эҳтиёж мавжуд эмас.
- Еу ҳақида аниқ фикрга эга эмасман.
- На аниqlik kirtisa maqsadga muvofiq bo'
- На, kerak. Lekin, amaliyotda kam qo'llanyapti. Chunki prokuror ish sinish...